13 МАР 1990

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 60 (20. 627) • 1990 йил 13 март, сешанба • Баҳоси 3 тийин.

ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ УЧУН

СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УЧИНЧИ СЪЕЗДИ

12 март куни Кремлда СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари учинчи съезди ўз ишини бошлади.

Съездни СССР Олий Советининг Раиси **М. С. Горбачев** очди. У 2245 нафар халқ депутатидан даставвал 2092 киши рўйхатдан ўтганлигини маълум қилди. Залдаги депутатларни электрон система ёрдамида рўйхатга олиш бу ерда 2087 депутат ҳозир бўлганлигини қайд этди.

Навбатдан ташқари Съезд очиқ деб эълон қилинади. Кремль Съездлар саройида Совет Иттифоқи Гимни янграйди.

Йиғилганлар Съезд президиуми таркибига баъзи аниқликларни киритдилар.

Шундан сўнг раислик қилувчи президиумда Литва ССР вакили йўқлигини маълум қилди. У ерда республика Олий Советининг сессияси бўляпти. У ердан келаётган хабарлар ниҳоятда ташвишли. Сессия қабул қилган ва яна қабул этадиган расмий ҳужжатлар ва қарорлар ҳозирча қўлимизда йўқ. Ҳар ҳолда, бизга келаётган хабарлар у ерда қабул қилинаётган қарорлар республика, унинг халқи ва бутун давлатимиз туб манфаатларига ва тақдирига тааллуқли эканлигини кўрсатмоқда.

Съезд СССР Олий Советига, биринчи навбатда Миллатлар Советига, Олий Совет палаталарининг комиссиялари ва Олий Совет комитетларига, Совет ҳукуматига Литва ССР Олий Совети қабул қилаётган қарорлар муносабати билан вужудга келаётган вазиятни ўрганиш, бу қарорларга тегишли баҳо бериш, ана шулар асосида хулосалар чиқариш билан шуғулланишни топширди.

Депутатлар Съезд секретариатини сайладилар.

Шундан кейин улар Съезднинг кун тартиби ва иш тартибини тасдиқлашга киришдилар.

Йиғилганлар СССР халқ депутатлари навбатдан ташқари учинчи Съезднинг кун тартибига мунозараларсиз қуйидаги масалаларни киритдилар:

1. Янгитдан сайланган СССР халқ депутатлари ваколатларини эътироф этиш тўғрисида.

2. СССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ва СССР Президенти лавозимини таъсис этиш тўғрисида.

3. СССР Президентини сайлаш.

Съезд иши уч кун мобайнида ўтказилади, деб келишиб олинди. Съезднинг очилиш кунида янги сайланган депутатларнинг ваколатларини эътироф этиш тўғрисидаги масалани муҳокама қилишга, сўнг СССР Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар, СССР Президенти лавозимини таъсис этиш тўғрисидаги масала юзасидан бўладиган докладни эшитишга, уни муҳокама этишга қарор қилинди. Кун охирига қадар қарор қабул қилинса, эртанги кунни СССР Президентлигига номзодларни кўрсатиш ва уларни муҳокама қилиш, сайлов ўтказишга бағишлаш мумкин бўлур эди. Чоршанба куни эрталабки мажлисда яширин овоз бериш натижалари тўғрисида ҳисоб комиссиясининг докладини эшитиш ва тегишли қарорни қабул қилиш мумкин бўлур эди.

Бундай тартиб кўпчилик овоз билан қабул қилинди.

Шундан сўнг депутатлар кун тартибининг биринчи бандини муҳокама қилишга ўтдилар. Мандат комиссиясининг раиси **Б. В. Гидаспов** ўз докладида депутатлар корпуси таркибида иккинчи Съезддан кейинги даврда бўлган баъзи ўзгаришлар, айрим сайлов округлари ва жамоат ташкилотларида ўтказилган сайлов натижалари тўғрисида гапирди.

Съезд Мандат комиссиясининг таклифига биноан қайта сайланган СССР халқ депутатлари: Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар жамиятидан — Н. Ф. Наумовнинг; Уруш ва меҳнат ветеранлари Бутуниттифоқ ташкилотидан — Н. И. Ткаленконинг; КПССдан — Н. П. Кустаревнинг; сайлов округларидан Ю. А. Спиридоновнинг, Г. В. Куликнинг ваколатларини кўпчилик овоз билан тасдиқлади.

Шундан кейин Съезд СССР Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳамда СССР Президенти лавозимини таъсис этиш тўғрисидаги масалани муҳокама қилишга киришди. СССР Олий Совети Раисининг биринчи ўринбосари **А. И. Лукьянов** доклад қилди.

(Доклад матни газетанинг навбатдаги сонида эълон қилинади).

(ТАСС).

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1990 йил 11 март куни КПСС Марказий Комитетининг Пленуми иш бошлади. Пленум муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилди:

1. СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари учинчи съездига СССР Конституциясининг 6 ва 7-моддалари юзасидан таклифлар киритиш тўғрисида.

2. КПСС XXVIII съездини чақириш, партиядаги ҳисобот-сайлов кампаниясини ўтказиш муддатлари, вакиллик нормаси ва съезд делегатларини сайлаш тартиби ҳақида.

3. КПСС Уставининг лойиҳаси тўғрисида.

4. КПССнинг Марказий Назорат-тафтиш комиссияси тўғрисидаги низом лойиҳаси ҳақида.

5. КПССдан СССР халқ депутатини сайлаш.

Пленумда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев доклад қилди.

Пленум қатнашчиларига КПСС Уставининг лойиҳаси ҳамда кун тартиби масалаларига оид бошқа материаллар билан олдиндан танишиш имконияти берилган эди.

Музокараларда КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари Ю. А. Прокофьев, Қирғизистон ССР Министрлар Советининг Раиси А. Жумағулов, Қозоғистон Компартияси Жамбул область комитетининг биринчи секретари С. М. Бойжонов, СССР ички ишлар министри В. В. Бакатин, КПСС Тула область комитетининг биринчи секретари Ю. И. Литвинцев, СССР адлия министри В. Ф. Яковлев, ВЦСПС секретари В. М. Мишин, СССРнинг Польша Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси В. И. Бровиков, Литва Компартияси (КПСС ҳаракат дастурига амал қилувчи) муваққат Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Н. Швед, КПСС Марказий Комитети секретари, «Правда» газетаси бош муҳаррири И. Т. Фролов, ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари В. И. Мироненко, Белоруссия Компартияси Гродно область комитетининг биринчи секретари В. М. Семёнов, СССР Фанлар академияси иқтисодиёт бўлимининг академик-секретари вазифасини ижро этувчи С. С. Шаталин сўзга чиқдилар.

Пленумда КПСС Устави лойиҳасини пухта ишлаб чиқиш ва Марказий Комитет Пленумининг бошқа ҳужжатларини тайёрлаш юзасидан Таҳрир комиссияси тузилди.

Пленум СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари учинчи Съезди муҳокамасига қонун лойиҳаларини таклиф қилиш тартибида сиёсий система масалалари юзасидан СССР Конституцияси (Асосий Қонун)га (СССР Конституциясининг 6 ва 7-моддаларига) ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида СССР Қонуни лойиҳасини тақдим этишга қарор қилди.

Пленум материаллари «Правда» газетасида тўла-тўкис ва бошқа оммавий ахборот воситаларида баён тарзида эълон қилинади.

КПССдан СССР халқ депутатини сайлаш тўғрисидаги масала юзасидан сайлов комиссиясининг раиси В. А. Коптюг сўзга чиқди.

Пленумда СССР халқ депутатлигига номзодлар: СССР 50 йиллиги номидаги Москва автомат линиялар заводининг слесари П. А. Абросов, Горький автомобиль заводининг темирчиси Н. П. Кустарев, Москва «Станкоконструкция» заводининг слесарь-электр монтажчиси А. П. Шустов нутқ сўзладилар.

Яширин овоз бериш натижасида Н. П. Кустарев КПССдан СССР халқ депутати этиб сайланди.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини давом эттиради.

КПСС Марказий Комитети Пленумида

М. С. ГОРБАЧЕВ доклади

Ўртоқлар! Марказий Комитетнинг ушбу Пленумини февраль Пленумининг бевосита давоми дейиш мумкин. Пленумнинг асосий вазифаси — съездолди мунозараси учун ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишни тугаллаш: янги Устав лойиҳасини муҳокама қилиш ва съездга тайёргарликнинг ташкилий масалаларини ҳал этишдан иборат. Сизларда тегишли ҳужжатлар ва таклифлар бор.

Партияда съездолди мунозараси, аслида, ҳозирдаёқ бошланди ва авж олдирилмоқда. КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳаси ана шу, шубҳасиз самарали жараёнга яхши омил бағишлади. Партияда ва мамлакатда лойиҳа жиддий, ғоят муҳим ҳужжат деб қабул қилинди. Унда ишлар аҳволининг таҳлили ҳам, мамлакат олдида турган ғоят ўткир ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муаммоларни ҳал этиш йўллари ҳам, жамиятимизни янгилашнинг асосий мақсадлари ҳам ўз ифодасини топди.

Биз Ҳаракат дастури лойиҳасини партияда ва жамиятда кенгайиб бораётган мунозаранинг айни асоси ва негизи деб билаётганимизни таъкидлашни истардим. Шунинг учун лойиҳага турлича муносабатда бўлинаётгани табиийдир, аммо агар илгари бўлганидек уни ҳар томондан расмий мақтуллаш хитоблари эшитилса, ёмон бўлур эди. Бизнинг мақсадимиз — мен бу ҳақда партия Марказий Комитетининг аввалги Пленумида ҳам гапирганман — умумпартиявий муҳокама учун ошкора ҳужжатни ишлаб чиқишдан ва шу тариқа коллектив изланишни янада фаоллаштиришга кўмаклашишдан иборат эди.

Ўз-ўзидан равшанки, биз мана шу бутун жараённи асосан қайта қуриш изидан бораётган, танлаган социалистик йўлимиз доирасида амалга оширилаётган жараён деб биламиз. Демак, таҳқиқий-ижобий ва қатъий изланиш биз учун ҳаётий заруратдир. Бундай изланиш партиянинг яқин истиқболга мўлжалланган программавий ҳужжатини қабул қилиб, ўзининг узил-кесил сўзини айтадиган съездгача давом этади.

Бошланган мунозара партияни ислоҳ қилиш масалалари унинг марказида эканини кўрсатиб турибди. Бу мутлақо тушунарлидир, чунки бу ерда ижтимоий тараққиётнинг кўпдан-кўп муаммолари айнан туташмоқда. Ёдингизда бўлса, Ҳаракат дастури лойиҳасида партиямизни қайта қуришга оид муҳим йўл-йўриқлар баён этиб берилган, Энди, Устав лойиҳасида ана шу йўл-йўриқлар кенгайтирилган тарзда ифодаланган.

Сизларга тақдим этилган ҳужжат аппарат ходимлари ишлаб чиққан ҳужжат эмас, балки КПСС Марказий Комитетига, партия газеталари ва журналларига тушган амалий таклифларнинг маҳмуаси бўлиб, назарий марказларимизда — Марксизм-ленинизм институтида, Ижтимоий фанлар академиясида, уларнинг республикалардаги филиалларида, партия олий ўқув юртларида ишлаб чиқилган. Кейинги ойларда КПСС Марказий Комитетига бошланғич, маҳаллий партия ташкилотларидан, айрим коммунистлардан Уставнинг 40 тадан ортиқ тўла лойиҳаси, партия йиғилишлари ва партия Комитетлари пленумларининг Устав масалаларига оид минглаб қарорлари олинди. Буларнинг ҳаммаси Марказий Комитет комиссияларида диққат билан ўрганиб чиқилди ва пишиқтирилди, Сиёсий бюрода бир неча бор муҳокама қилинди.

Тайёрланган ҳужжат, бизнингча, асосан КПССни демократик ислоҳ қилиш йўллари ва усулларига устун қарашларни акс эттиради. Ҳужжатнинг бутун партияда муҳокама қилиниши кутилмоқда, шунинг учун биз бугун уни ишлаб чиқишнинг катта босқичига якун ясабгина қолмай, шу билан бирга унга оид ишларнинг янги босқичини бошлаб берамиз.

Биз Устав хусусида иш олиб борар эканмиз, жамиятда партиянинг ўрнини, унинг вазифаларини, шунингдек партия сиёсатини амалга ошириш шакллари, воситалари ва йўлларини қайта қуриш йилларидаёқ таркиб топган янгича тушуншига амал қилдик. Шу тариқа, биз ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган янгиланган партия — инсонпарвар, демократик социализм партияси турмушининг асосий қонунига айланиши зарур бўлган ҳужжатни ишлаб чиқиш тўғрисида гап бормоқда.

XIX партия конференциясида баён этиб берилган партия ва давлат органлари вазифаларини фарқлаш принципи, партиянинг барча жараёнларни бевосита бошқарувчи негиз сифатидаги давлат системасидан аста-секин чиқиши ана шу янгича тушунишнинг асосини ташкил этади. Бошқача қилиб айтганда, бунда гап партия ўзининг дастлабки вазифасига қайтиши — жамиятнинг раҳнамо сиёсий кучи бўлиши, истиқболли ривожланиш йўлларини ишлаб чиқиши ва жамиятга тақдим этиши, уларни давлат ва жамоат структураларидаги коммунистлар орқали рўёбга чиқаришга эришиши тўғрисида бормоқда.

Биз янгиланган КПССни ўз фаолиятида Маркс, Энгельс, Ленин ғояларини ижодий ривожлантиришга асосланадиган коммунист маслакдошлар Иттифоқи деб, ишчилар синфи, барча меҳнаткашлар манфаатларини ифодаловчи социалистик йўлни танлаган партия, ўзининг программавий ҳаракат дастурида кўп миллатли совет жамиятини жипслаштириш учун курашаётган партия, деб биламиз.

Биз шуни маълум қиламизки, КПСС байналмилал позицияларда туриб, коммунистик ва ишчи, социалистик ва социал-демократик, либерал ва миллий демократик партиялар билан, тинчлик ва ижтимоий тараққиёт учун курашаётган барча ижтимоий кучлар ва ҳаракатлар билан ҳамкорлик қилади.

Шу тариқа, КПСС янгиланмоқда, ўзининг ғоявий-сиёсий асосида янги қиёфага эга бўлмоқда. Устав лойиҳаси КПСС Марказий Комитети Ҳаракат дастурининг қоидалари билан бирга баён этилмоқда. Ҳаракат дастурининг қоидаларида жамият иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий турмушининг барча жиҳатларини ислоҳ қилиш шароитида партиянинг роли ва вазифалари янгича ифодалаб берилган.

Партияни бундай янгилаш жараёни қийин ва турличадир. Бир томондан, кўпгина партия ходимларининг, шунингдек партия оммаси бир қисмининг эскича қаёфиятлари ва кўникмалари, бевосита идора қилиш вазифаларига интилиши бу жараёнга халақит бермоқда. Бундан воз кечиш кўп кишиларга сиёсий таъсирни йўқотиш, партиявий позициялардан маҳрум бўлиш, партияни умуман заифлаштиришдек туюлмоқда.

Бошқа томондан КПСС ривожининг бош йўлини уни парламент типидаги партияга ёки ҳатто чегаралари ювилган, одамлар расман аъзо бўлган қандайдир шаклсиз ижтимоий-сиёсий оқимга айлантириш деб, яъни ниҳоятда хилма-хил фракциячилар, гуруҳлар ва оқимлардан бичиб тикилган қурама лахтак кўрпа, деб билаётган маълум миқдордаги кишилар пайдо бўлди.

Албатта, демократик тартиблар, сайлов кампаниялари доирасида сиёсий раҳбарлик учун кураш энди КПССнинг асосий вазифаларидан бири бўлади. Ана шу вазифага мувофиқ тегишли Устав қоидаларини ишлаб чиқиш, партия иши усуллари ҳамда уни ташкил этиш шаклларини анча ўзгартириш зарур. Бундай янгиликлар партия Устави лойиҳасига киритилган. Эҳтимол, уларни қўшимча равишда ишлаб чиқиш ва ривожлантириш талаб қилинади. Буни лойиҳанинг муҳокамаси кўрсатади.

Бироқ ишнинг бошқа томонини ҳам ҳисобга олмаслик мумкин эмас. У шундан иборатки, ҳукмрон партия бўлган КПСС халқ олдида давлатимизнинг, социалистик федерациямизнинг аҳволи учун, иқтисодиётдаги аҳвол учун, гражданларнинг хавфсизлиги, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш учун, мамлакатимизнинг халқаро манфаатларига риоя этиш учун сиёсий жиҳатдан жавобгардир. Бу нарса биз учун енгил-елпи парламент ўйинларини принцип жиҳатидан истисно этади. Боз устига, худди шу нарса КПСС мамлакат бошидан кечираётган долзарб муаммоларни ҳал этишда қатнашишдан четланмаслигини, сиёсий раҳбарлик учун берилган мандатидан самарали фойдаланишга имкон берадиган жиддий сиёсат юргизишини талаб қилади.

Мен партиямизнинг жамиятдаги роли ва ўрни хусусида етилган ўзгаришларга қаршилик кўрсатаётганларга ва партияни ислоҳ қилишни амалга оширишга хоҳишимиз ва унга қатъий қарор берганлигимиздан фойдаланаётган кишиларга, партияни ўз йўлига буриб юборишни хоҳлаётган, сиёсий позицияларимизнинг пасайишига умидвор бўлаётганларга мутлақо «йўқ» дейиш керак, деб ўйлайман.

Биз КПССни янгилашнинг асосий йўлини унинг етакчилик роли йўқотилмаслигидагина эмас балки, аксинча, расман эълон қилинган ролдан жамият турмушининг барча соҳаларига самарали таъсир ўтказадиган сиёсий реалликка айланишида кўрамиз.

Давом этаётган барча муҳокамалар чоғида баъзи ўртоқларда шундай савол туғилади: бошланган ўзгаришлар ленинчи партиямизнинг дастлабки вақтдаги қиёфаси бузилишига олиб келмасмикин?

Ҳозир ушбу мавзуда кўп гаплар бўлмоқда. КПСС гўё, асос-эътибори билан эскириб қолди ва уни ўзгача фазилатга эга бўлган партия билан алмаштириш зарур, деган гаплар эшитилмоқда.

Шу муносабат билан КПССнинг номини ўзгартириб, уни социал-демократик, социалистик ёки бошқа партия номи билан аташ ғояси ўртага ташланмоқда. Ушбу ғоянинг моҳияти — КПСС номидан унинг пировард ғояси ва узоқ даврга мўлжалланган вазифалари келиб чиқадиган «коммунистик» деган тушунчани олиб ташлашдан иборат. Бундай таклифни қабул қилиб бўлмайди, деб ҳисоблайман. Ушбу таклифнинг амалга оширилиши КПССнинг ғоявий негизига жиддий зарба уради. КПССни олий мақсадлар партияси сифатида қўллаб-қувватлаётган кўпгина коммунистлар ва партиясизларни нохуш кайфиятга солиб қўяди.

Мабодо бу таклиф тўсатдан қабул қилинадиган бўлса, ушбу қадамнинг халқаро миқёсдаги оқибатларини ҳам кўра билиш керак. Бу нарса оғир шароитда коммунистик ғояларни ҳимоя қилаётган партияларнинг фаолиятига салбий таъсир этган бўлур эди.

Хуллас, КПССнинг ролини янгича тасаввур этиш унинг Уставини тубдан қайта қуриш зарурлигини ҳам тақозо этади. Фақат Уставнигина эмас, айни вақтда бир қанча давлат ҳужжатларини, жумладан СССР Конституциясини ҳам тубдан қайта қуриш зарурати туғилади.

Шу муносабат билан Марказий Комитет СССР халқ депутатлари съездида Асосий Қонундаги партияга таллуқли моддаларни ўзгартириш тўғрисида қонун лойиҳасини таклиф этиш ташаббуси билан чиқиши мақсадга мувофиқ кўринади. Сизда тегишли таклифлар бор. КПССнинг раҳбарлик роли тўғрисидаги, сиёсий системанинг ўзаги бўлмиш партия ҳақидаги қоидани олиб ташлаш ана шу таклифларнинг мазмунини ташкил этади. Асосий Қонунда КПСС ва бошқа сиёсий ҳамда жамоат ташкилотлари учун тенг имкониятлар берилишини — табиийки, уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда қонуний, демократик шакларда қатнашишини, ўз программавий мақсадларини рўёбга чиқариш учун курашишларини ёзиб қўйиш керак. Бундай ўзгаришлар ҳам Марказий Комитетнинг Ҳаракат дастури лойиҳасида, ҳам Устав лойиҳасида ёзиб қўйилган партиянинг ролини янгича тушуниш ўзанида бўлади, деб ўйлайман.

Биз партиянинг янги Уставини таклиф қилар эканмиз, ички партия турмушидаги чуқур ўзгаришларни ҳам қонунлаштириб қўймоқчимиз. Бу ўзгаришлар КПССнинг қиёфасини янгилайди, унга чинакам халқчил тус беради. Ички партиявий муносабатлар бунда янги сифат касб этиши керак: демократия ва ўртоқлик, фикрларнинг хилма-хиллиги ва ошкоралик, озчиликнинг манфаатларини ҳурмат қилишни зарур партиявий интизом билан қўшиб олиб бориш мана шундай янги сифатлар бўлиб қолади. Айни вақтда партия умумий қонун асосида яшайдиган, мустаҳкам ва ягона ташкилот бўлиб қолиши ва унга кирувчи ҳар бир киши бу қонунга ихтиёрий равишда рози бўлиши кераклиги ўз-ўзидан равшан.

Устав лойиҳаси мантиқининг ўзида, унинг тузилиши ва ҳажмида демократиялашнинг мана шу йўли ифодалаб берилган. Янги Устав партия турмушининг асосий нормаларигина баён этиб, коммунистларнинг мустақил ижоди учун кенг имконият очиб берадиган, партия ташкилотларининг ҳақиқий мустақиллиги кафолатини таъминлайдиган қисқагина бўлиши керак, деган кўпдан-кўп истаклар инобатга олинди. Янги Устав лойиҳаси амалдаги Устав ҳажмидан тахминан учдан бир баравар кичик бўлиб, ўнта бўлим ўрнига олтита бўлимдан ва 72 та параграф ўрнига 39 та параграфдан иборатдир. Гарчи кеча ўртоқлар билан суҳбатда бу ерда ҳам резервлар ҳали борлигини ҳис этдим.

Устав нормаларини ўзгартиришнинг асосий мазмуни шундан иборатки, коммунистнинг партия сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда, раҳбар партия ташкилотларини шакллантиришда, улар фаолиятини назорат қилишда иштирок этиши учун уни ниҳоятда кенг имкониятлар билан таъминлаб, партия турмуши марказига қўйиш керак.

Бу энг аввало КПССга аъзо бўлиш масалаларида ўз аксини топди. Бу ерда янги вазият вужудга келтирилмоқда. Биринчидан, КПСС аъзолигига қабул қилишдан тортиб, мазкур масалани узил-кесил ҳал этишга оид барча ҳуқуқлар одамларни бошқа ҳар қандай ташкилотлардан ҳам яхшироқ биладиган — бошланғич партия ташкилотларига берилади. Иккинчидан, номзодлик стажини бекор қилиш ва КПССга киришда тавсияномаларни албатта тақдим этиш кўзда тутилади. Учинчидан, партиядан ихтиёрий равишда чиқиш тўғрисидаги низом жорий этилади, бу эса партия ташкилотларининг КПСС сафларини мустаҳкамлаш, хулқатвори билан партияни бадном қилувчи, унинг Уставига зид бўлган кишилардан партия сафларини тозалаш ишларидан четлаштиришни билдирмайди, албатта.

Коммунистнинг вазифаларини номма-ном санаб ўтишдан воз кечиш таклиф қилинмоқда. Партия аъзосининг ҳуқуқлари, унинг партиявий ва гражданлик фаоллиги кафолати янада аниқроқ шакллантирилади.

Партияда сайланиш механизмини демократиялаш хусусидаги таклифлар ҳам коммунистларнинг ролини ошириш ғояси билан йўғрилган. Бу таклифларда бутун партия оммасининг мазкур жараёнда иштирок этиши кўзда тутилади. Муқобиллик, номзодларни қўйидан кўрсатиш принциплари, конференциялар ва съездларга делегатларни сайлашда барча коммунистларнинг бевосита иштироки, партия комитетларининг биринчи секретарларини пленумларда эмас, балки конференция ва съездларда сайлаш мустаҳкамлаб қўйилади.

Партия ташкилотларининг конференция ёки съездга делегатларни сайлаш билан бир вақтда юқори партия ташкилотлари таркибига номзодларга доир таклифлар

(Давоми иккинчи бетда).

МУДОМ БОР БЎЛСИН, НАВРЎЗ!

Азиз ўртоқлар!

Ўлкамизда тароватли баҳор шабадаси эсмоқда. Бу — шодиёна янгиланиш, яшариш, оламнинг гўзаллик буржига кириш онлари. Жумҳуриятимизнинг шаҳар ва қишлоқларида нашъуноволи байрамимиз — Наврўз тараддуди. Наврўз деҳқончилик, бунёдкорлик байрами! Қадим-қадимдан айнан шу куни ерга уруғ сепилган, янги-янги орзулар, яхши ниятлар билан янги йилга қадам қўйилган.

Наврўз азал-азалдан узоқ-яқиндаги элатларни бирлаштирган, халқларни бир-бирига яқинлаштирган. Наврўз қувончларини миллати, дини, мазҳаби, ирқидан қатъи назар, ҳар бир халқ, элат биргаликда баҳам кўрган, тантана қилган. Наврўз — дўстлик айёми!

Ўзбек халқининг қадим-қадимдан келаётган ажойиб бир одати бор. Улуғ айём кунлари ҳамма бир-бирини муборакбод этади, ёру дўстлар, оға-ини, қариндошлар гина-кудуратини унутиб ўзаро дийдор кўришадилар. Илгарилари бундай табаррук кунларда урушлар ҳам тўхтатилган. Меҳр-оқибат ришталари мустаҳкамланган, дилларни эзгулик, чароғонлик эгаллаб, одамлар бир-бирлари билан апоқ-чапоқ бўлиб кетишган. Наврўз халқимиз учун ардоқли қутлуғ анъанадир.

(Давоми иккинчи бетда).

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни комиссия раиси Т. Ҳ. Собитов бошқарди.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайлови юзасидан 4 март куни бўлиб ўтган такрорий овоз бериш якунларини кўриб чиқди. Такрорий овоз бериш 94 та сайлов округида сайлов тўғрисидаги қонуннинг 48 ва 52-моддаларига тўла мувофиқ равишда ўтказилди.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон ССРнинг 92 нафар халқ депутатини рўйхатга олди. Улар орасида 4 нафар аёл, 11 нафар ишчи, 1 нафар колхозчи бор.

Янги сайланган депутатлар орасида КПСС аъзолари ва аъзолигига кандидатлар — 83 киши, партиясизлар — 9 киши.

Депутатлар орасида республикада яшаб турган етти миллатнинг вакиллари бор.

Иккита округда гўё қонун бузилганлиги текширилиши муносабати билан такрорий овоз бериш натижалари қўшимча равишда маълум қилинади.

Марказий сайлов комиссияси 168-Фурқат сайлов округида сайлов тўғрисидаги қонунни бузиш фактларини кўриб чиқди. Округ сайлов комиссияси сайловолди ташвиқоти давомида, сайловчиларнинг рўйхатларини тузиш вақтида, овоз беришни уюштиришда қонуннинг бажарилишини таъмин этмаганлиги таъкидлаб ўтилди. Марказий сайлов комиссияси ҳақиқий эмас, деб топди. Халқ депутатлари Бухоро область Советига такрорий сайлов ўтказиш учун округ сайлов комиссиясининг янги ҳайъатини тузиш топширилди.

Марказий сайлов комиссияси мажлислар ўртасидаги даврда гражданлардан тушган хат ва аризаларни ҳамда бошқа масалаларни кўриб чиқди.

Комиссия ишида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Л. Ш. Беккулбекова қатнашди.

ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

САМАРҚАНД, 12 март. (ЎзТАГ). Бугун янги чақириқ халқ депутатлари Самарқанд область Советининг биринчи сессияси бўлди. Унда ташкилий масалалар кўриб чиқилди.

Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари П. М. Абдурахмонов халқ депутатлари область Советининг раиси этиб сайланди.

Т. Р. Қиличов Самарқанд область ижроия комитетининг раиси этиб тасдиқланди.

Сессия ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Т. Я. Шарипов қатнашди.

КПСС Марказий Комитети Пленумида

М. С. ГОРБАЧЕВ доклади

(Давоми. Боши биринчи бетда).

киритиш ҳуқуқи кўзда тутилган. Партия комитетларининг барча аъзолари ҳисоб бериб туриши, сайлаб қўйиладиган органдан ишончни оқламаган коммунистларни чақириб олиш, мазкур органни унинг ваколати тугагунига қадар тарқатиб юбориш, шунингдек партиядаги барча сайлаб қўйиладиган кишиларнинг ўз лавозимларида бўлиш вақтини икки ваколат муддати билан чеклаш мумкинлиги жорий этилади.

Партия турмушини демократиялаш нуқтаи назаридан Уставнинг партия ташкилий тузилишини тартибга соладиган нормалари ҳам янгиланмоқда. Партияни фақат территориал белгига қараб қуриш ҳақида таклифлар айтилди. Аммо бундай ёндашув партиянинг меҳнат коллективларидан ажралиб қолишига, унинг омма билан алоқасининг заифлашишига олиб борган бўлур эди. Шу сабабли партия тузилишининг ҳам территориал, ҳам ишлаб чиқариш белгиларини сақлаб қолиш кераклигини айтиш билан бирга биз барча поғоналардаги партия ташкилотларининг мустақиллигини оширишни асосий масала деб биламиз. Ҳозир партиявий ишга раҳбарликни маҳаллийлаштириш, шу тариқа партия сафларининг демократик бирлиги билан бирга бошланғич, маҳаллий партия ташкилотларининг, иттифоқдош республикалар Компартияларининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш ҳаётий муҳимдир. Биз КПСС Устави партия структураси мана шу бўғинларининг мақомига тааллуқли энг асосий қоидаларнигина белгилаб, ўз ҳаракат дастурини ва сиёсий иш шаклларини ишлаб чиқиб, амалга оширишни, кўпгина структура, кадр, нашриётчилик масалалари, молиявий масалаларни ҳал этишни уларнинг ихтиёрига бериши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Уставда партиянинг асоси бўлган бошланғич партия ташкилотига алоҳида эътибор берилган. Биз Устав нормаларида партия қуйи бўғинларининг КПСС сиёсатини ишлаб чиқишга тоборо кўпроқ таъсир ўтказишини мустаҳкамлашга, юқори органларнинг, аппаратнинг улар фаолиятидаги икир-чикир ишларига аралашувидан халос этишга интилдик. Янги Устав бошланғич партия ташкилотларининг фаолият дастури ва шаклларини, ўз структурасини, йиғилишлар, сиёсий тадбирлар ўтказиш даврийлиги ва тартибини масъулият билан мустақил ҳал этиш имкониятига кафолат беради.

Устав лойиҳасида район, шаҳар партия комитетларининг фаол ишлашига қулайлик берадиган шароит яратишга кучли урғу берилган, бунга сизлар эътибор бергансиз, деб ўйлайман. Аҳоли ўртасида бевосита сиёсий иш юритадиган бошланғич ташкилотларга энг яқин турган партия структурасининг мана шу таянч бўғинлари ролини ошириш эндиликда ижтимоий турмушни демократиялаш жараёндаги асосий йўллардан бири бўлиб қолиши керак, деб ҳисоблаймиз.

Шу нуқтаи назардан биз гўё Марказий Комитет билан бошланғич партия ташкилотлари ўртасидаги ортиқча тўсиқ сифатида район, шаҳар партия комитетларини, шунингдек область, ўлқа партия комитетларини тугатиб юбориш тўғрисидаги таклифларни мақбул эмас, деб ҳисоблаймиз. Бундай «ислоҳот»нинг оқибатларини тасаввур этиш қийин эмас.

КПСС Марказий Комитети 400 мингтадан кўпроқ бошланғич ташкилот билан бевосита алоқа қилиб тура олмайди. Коммунистлар эса районлар, шаҳарлар, областлар, ўлкалардаги ишларнинг аҳволига таъсир ўтказиш имкониятидан маҳрум бўладилар, турғунлик даврларидан кўра ҳам кўпроқ маҳаллий манфаатларга ўралашиб қоладилар. Ҳатто халқ депутатлари Советларига сайловдаги сиёсий курашни ҳам улар бирон-бир тарзда самарали ўтказа олмайдилар, аниқ партиявий структурага қарши бўлган кимсалар чамаси айни шуни умид қилаётган бўлсалар керак.

Шарқий Европа мамлакатларининг тажрибаси ҳам район ва шаҳар бўғинлари бузиб ташланганидан айни кейин партия заифлашганидан далолат бериб турибди.

Биз партиянинг мавжуд структурасини бузиб ташлаш тўғрисидаги талабларга қарши чиқиш билан бирга, асло уни қотиб қолган ҳолда сақлаш тарафдори эмасмиз. Уставнинг шу масалага оид қоидалари ижодий ёндашувлар учун имконият беради. Партиянинг структурасини мамлакатнинг маъмурий-территориал бўлинишига қатъий равишда боғлиқ қилиб қўйишдан воз кечиш назарда тутилмоқда, бундай боғлиқ қилиб қўйиш илгари, партия комитетлари ўз регионларидаги жамики ишларни бошқариш билан шуғулланган пайтларда мутлақо ўринли бўлганлиги маълум. Партиянинг барча бўғинларига район, шаҳар комитетлари ва шу каби ташкилотларни тузиш ёки тугатишгача бўлган структура масалаларини ўзлари ҳал этиш ҳуқуқи берилади.

Биринчи марта Уставда партия ташкилотлари секретарларининг кенгашларини, партия клубларини ва мунозара марказларини ҳамда анъанавий партия структураси доирасидан чиқадиган бошқа ташкилий тузилмаларни ҳосил қилиш имконияти кўзда тутилмоқда. Бу, шубҳасиз, партия фаолиятини демократиялаш йўлидаги муҳим қадамдир, аслида у кейинги йилларда ўзимиз орттирган тажрибани Уставда мустаҳкамлаб беради.

Устав лойиҳасида партия қурилишидаги миллий жиҳатлар сифат жиҳатдан янги поғонада эътиборга олинади ва ҳал этилади. Миллатлараро муносабатларнинг ўткир муаммолари партияга ҳам таъсир қилди. Иттифоқдош республикалар Компартияларининг ҳам ўз ўрталаридаги, ҳам марказ билан ўзаро муносабатлари масалалари юксак даражадаги долзарб масалалар бўлиб қолди. Янги ечимларни излаш пайтида баъзан энг катта мақсадимиз — КПССнинг яхлитлиги унутиб қўйилаётганлиги ташвишга солади, жумладан, КПССни федератив принцип асосида — иттифоқдош республикалар Компартияларининг иттифоқи тарзида қуришга ўтиш, КПСС Уставида иттифоқдош республикаларнинг Компартиялари кўнгилли равишда марказ ихтиёрига берадиган ҳуқуқларнигина мустаҳкамлаб қўйиш таклиф қилинмоқда. Айни вақтда иттифоқдош республика Компартияларининг республика коммунистлари ўртасида референдум ўтказиш йўли билан КПССдан чиқиш ҳуқуқини кўзда тутиш таклиф этилмоқда.

Бундай янгиликнинг оқибатларини тасаввур қилиш қийин эмас. Бу — КПССни миллий белгига қараб бўлиб юборишни билдирар эди, бунда ягона партиявий сиёсат юритиб бўлмайди, КПССнинг жамиятдаги жипслаштирувчилик, мувофиқлаштирувчилик вазифаларини рўёбга чиқариб бўлмайди, совет федерациясини, ССР Иттифоқини мустаҳкамлаш соҳасида биргаликда ишлаб бўлмайди.

Устав лойиҳасига асос қилиб олинаётган нормалар КПССни яхлит тарзда сақлаб қолиш имконини беради. Шу билан бирга бу нормалар иттифоқдош республикалар Компартияларининг янги мақомини мустаҳкамлайди, бу мақом уларнинг КПСС дастури ва Устави доирасидаги ҳақиқий мустақиллигини таъминлайди. Бу мустақиллик иттифоқдош республикаларнинг Компартияларига ўз дастурий ва норматив ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда шу ҳужжатларга мувофиқ ташкилий, кадр, нашриётчилик масалалари ва молиявий масалаларни ҳал этиш, ўз республикаларини ривожлантиришнинг барча соҳаларида сиёсий йўл ўтказиш имконини беради. Устав лойиҳасида КПСС Марказий Комитети Президиуми ва комиссияларининг иттифоқдош республикалар Компартияларига тааллуқли принципиал қарорлари шу республикаларнинг мухтор вакиллари иштирокида кўриб чиқилиши кераклиги, қабул этилган қарорга рози бўлмаган тақдирда эса иттифоқдош республика Компартиясининг Марказий Комитети баҳсли масалаларни муҳокама қилиш учун КПСС Марказий Комитетининг Пленуми чақирилишини талаб қилишга ҳақли бўлиши ҳам кўзда тутилган.

Республика Компартияларига тааллуқли муаммоларни ҳал этишга Устав лойиҳасида асос солинган принциплар ва ёндашувлар муносабати билан Россияда республика партия ташкилотини тузиш тўғрисидаги жуда муҳим масала ҳам кўндаланг бўлмоқда. Россия системани вужудга келтирувчи қудратли омил сифатида Иттифоқ доирасида, Россия коммунистлари эса КПССнинг бирлиги ва яхлитлигини таъминлашда ўйнаётган алоҳида роль ҳақида гапиришга ҳожат йўқ.

Ҳозир Россиядаги кўпгина область партия ташкилотларида РСФСР Компартиясини тузиш тўғрисидаги масала жуда қатъий қилиб қўйилган. Масалан, Ленинград область партия комитетининг бизга берган маълумотига кўра, Ленинградда ўтказилган референдум давомида коммунистларнинг 80 фоизи РСФСР Компартияси тузилишини ёқлаб чиққан. Бу масалани республика коммунистларининг ўзлари ҳал қилишлари керак, деб ўйлаймиз.

Эсингизда бўлса, биз аввалги, кенгайтирилган Пленумда РСФСР партия ташкилотлари ўз йиғилишлари ва конференцияларида бу масалани муҳокама қиладилар, муҳокамани эса партия XXVIII съезди арафасида республика партия конференцияси якунлайди, деб келишиб олган эдик.

Ўртоқлар, бу конференцияни 19 июнь куни Москва шаҳрида ўтказиш сизларнинг муҳокамангизга тавсия этилади. Бу конференция РСФСР коммунистларининг умумий позициясини узил-кесил ишлаб чиқиб, уни партия съездига тақдим этиши керак. Шуни эътиборга олиб, конференцияга алоҳида делегатлар сайламаслик, балки РСФСР партия ташкилотларидан КПСС XXVIII съездига сайланган делегатларга тегишли ваколатларни бериш мантиқий бўлур эди. Улар қарор қабул этиб, шу қарорни съездда маъқуллатиб оладилар.

Биз бу масалани махсус равишда — Сиёсий бюрода бир неча бор ва Марказий Комитетнинг сўнгги Пленумида, XXVIII съездга Ҳаракат дастури лойиҳасини кўриб чиқиш доирасида муҳокама қилдик. Албатта, Россия партия конференциясига алоҳида делегатлар сайлаш, шу конференцияни ўтказиш, унда партия XXVIII съездида муҳокама қилиш учун мулоҳаза ва таклифларни ишлаб чиқиш йўлидан ҳам бориш мумкин. Аммо бунда Россия конференциясининг делегатлари тўпланиб, ўз таклифларини ишлаб чиққанидан кейин Россия партия ташкилотларидан сайланган съезд делегатлари келиб, Россия партия конференциясининг делегатлари маъқуллаган таклифларга қўшилиш ёки қўшилмасликлари номаълум бўлиб қоладиган вазият вужудга келмасмикан? Давомийлик ўрнига қандайдир чалкашлик келиб чиқиши ҳам мумкин. Шу сабабли биз тавсия этаётган таклиф мантиқийдир: Россия партия ташкилотларидан сайланган XXVIII съезд делегатлари съезддан икки ҳафтача аввал ўз конференциясига тўпланиб, бу масалаларни ўзлари муҳокама қиладилар, коллектив бўлиб таклифлар ишлаб чиқадилар ва съездда шу таклифларни ҳимоя қиладилар. Бизнинг назаримизда, Сиёсий бюронинг бу позицияси пухта ўйланган, бу позиция тўғри.

Бу конференцияни тайёрлашни КПСС Марказий Комитетининг Россия бюросига ва ўлка, область, округ, Москва шаҳар партия ташкилотларининг вакиллардан тузилган тайёргарлик комитетига топшириш мумкин бўлур эди. Бу айни лозим бўлган ишни таъминлайди, деб ўйлайман.

Назаримда, мана шундай ёндашувгина кейинги даврда бу соҳада вужудга келган ҳамма ташаббусларни ягона бир оқимга бирлаштириш ва бу катта муаммони амалий ҳал этишга тез киришиш имконини беради.

Устав лойиҳасида партиянинг олий органлари тўғрисидаги бўлимга киритилган қоидалар батафсил таърифлаб берилган.

Бу тушунарлидир. Маҳаллий партия ташкилотлари, иттифоқдош республикалар Компартиялари раҳбар органларидан фарқли тарзда партия олий органлари фаолиятини ташкил этишнинг норматив асосини КПСС Уставидан ташқари бошқа ҳар қандай ҳужжатлар билан белгилаб бўлмайдику, ахир.

Бу бўлимдаги янгилик, аввало партия Марказий Комитетининг кенгроқ кўламдаги ижроия органи бўлган КПСС Марказий Комитети Президиумининг таъсис этилишидир, мазкур Президиум таркибига ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар, ҳарбий хизматчилар, партия ветеранларининг вакиллари сайланиши лозим, шунингдек иттифоқдош республикалар Компартияларининг раҳбарлари лавозимига кўра кириши керак. Президиум аъзолари сонини съезд белгилайди.

Партиянинг турли йўналишлар бўйича фаолияти масалаларини ишлаб чиқиши лозим бўлган, Марказий Комитет секретарлари бошчилик қиладиган КПСС Марказий Комитетининг доимий комиссияларини тузиш таклиф этилмоқда. Ҳозир мавжуд бўлган комиссиялардан фарқли равишда тузилажак комиссиялар ўз ваколатига кирадиган масалаларни ҳал этиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Партияда КПСС раиси ва унинг ўринбосарлари лавозимларини жорий этиш таклиф этилмоқда. Булар партия съездида сайланади. Улар КПСС Марказий Комитети органлари ишига кундалик умумий раҳбарликни амалга оширадилар, бу ишнинг келишиб олиниши ва самарадорлигини таъминлайдилар.

Бу ғоя КПСС Марказий Комитетининг Ҳаракат дастурида баён этилган, партия ташкилотларида муҳокама қилинмоқда. Коммунистларда бир қанча саволлар пайдо бўлди. Мен ана шу саволлардан бири ҳақида икки оғиз гапириб ўтмоқчиман, бу савол қуйидагичадир: бу партия органлари ишидаги коллегиалликка бирор бир тарзда путур етказмасмикан? Ўртоқлар, биз тўғри ғояни ифодаладик чоғи. Нега энди тўғри? Агар реалист бўлсак ва ҳаққоний таҳлил этсак — биз фақат шундай йўл тутишимиз мумкин, — кўпгина коммунистларнинг фикрича, партиядаги асосий раҳбар шахсларни коммунистлар бевосита сайлашлари керак. Шунинг учун ҳам қуйидаги таклиф пайдо бўлди: ана шу шахсларни партия комитетларининг пленумларида эмас, балки коммунистларнинг ўзи томонидан партия йиғилишларида, конференцияларда ва съездларда сайлаш керак. Модомики, конференциялар ва съездларнинг делегатлари партия округларидан, яъни бевосита бошланғич ташкилотлар томонидан сайланар экан, худди ана шу бошланғич ташкилотларнинг вакиллари биринчи шахсларни сайлаш хусусида худди ўша бошланғич ташкилотларнинг хоҳиш-иродасини ифода этадилар.

Келинг, буни муҳокама қилайлик. Назаримда, бу ғоя замирида коллегиалликнинг олий даражаси мужассам бўлган: бошланғич ташкилотдан тортиб, то олий даражадаги ташкилотгача партиядаги асосий шахслар коммунистларнинг назорати остида бўлади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, КПСС Марказий Комитетининг доимий органи сифатида Марказий Комитетнинг ўзгартирилган секретариатини тузиш тарафдорлари ҳам бор. Бу ерда, Пленумда шу масалани ҳам муҳокама қилиш лозим, деб ўйлайман.

СССР Қуролли Кучларида коммунистларнинг катта отряди хизмат қилмоқда. Бу ерда партиявий ишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам борки, буларни КПСС Уставини ишлаб чиқишда эътиборга олиш лозим бўлади.

Инқилобий қайта қуриш принциплари негизида сифат жиҳатдан янги қуролли кучларни бунёд этишда армиядаги партия ташкилотлари ва сиёсий органларнинг мавқеини кўтариш учун бутун партиявий-сиёсий ишни янгилаш, ҳарбий коллективлар ҳаёти ва фаолиятини демократиялаш лозим. КПСС Уставининг армиядаги партия ташкилотларига дахлдор нормалари ҳам худди ана шуларга хизмат қилиши керак.

Армия структураларини шу таҳлитда қайта қуриш жўнгина қайта қуриш бўлмайди, албатта, ўртоқлар, лекин ана шундай қайта қуриш етилиб турибди ва унга киришиш керак. Биз бу ерда, Марказий Комитет Пленумида ана шу жуда муҳим масала хусусида фикр алмашув бўлишига умид боғлаб турибмиз.

Партия съезди сайлайдиган ва съездга ҳисоб бериб турадиган КПССнинг марказий Назорат-ревизия комиссиясининг тузилиши партияни демократиялашга, уни сиёсий ва маънавий жиҳатдан янгилашга хизмат қилади.

Ҳаёт шундан далолат бериб турибдики, партия назорати ва ревизия ишининг ҳозир мавжуд бўлган системаси ўз юмушини бажариб бўлди. Буни кўп жиҳатдан шу билан изоҳлаш мумкинки, ҳаётда ва Уставда назорат ва ревизия органларига иккинчи даражали роль ажратилган. Ушбу органлар зарур мустақилликка эга эмаслар. Жойлардаги кўпгина партия комиссиялари асосан партия комитетлари секретарларининг топшириқларини бажариш билан банддирлар, ревизия иши эса, одатда, партия аппаратининг молия-хўжалик бўлинмалари раҳбарлигида амалга оширилмоқда.

Ҳаётнинг ўзи шуни тақозо этмоқдаки, партия тузилишида марказда ягона, мустақил, сайлаб қўйиладиган назорат органи ва жойларда шунга яраша тегишли органларни ташкил этиш зарур. Бу XIX партия конференциясининг қарорларида назарда тутилган эди, эндиликда эса бу КПСС Устави лойиҳасида ўз ифодасини топмоқда.

Бундай тадбир партияда «икки марказ»ни вужудга келтиради, деб ҳадиксираб турганлар ҳам бор. Марказий Комитет Сиёсий бюроси бу масалани бир неча бор муҳокама қилди ва бундай ҳадиксирашни асоссиз деб ҳисоблайди, чунки янги назорат органи зиммасига раҳбарлик вазифалари юкланмайди.

Унинг бутун фаолияти программавий ҳужжатлар ва КПСС Устави, съездлар ва конференциялар қарорлари қандай бажарилаётганини, партия бюджети қандай ижро этилаётганини, партия интизоми ва ахлоқ-одобига нечоғлиқ риоя этилаётганини назорат қилишга, коммунистларнинг шикоят, аризаларини кўриб чиқишга қаратилади. Марказий Назорат-ревизия комиссияси демократик қиёфага эга бўлади, у ўзининг ҳисоб бериб турадиган ижроия органи — президиум ва унинг ҳамраисларини сайлайди.

Биз, ҳойнаҳой, мен қуйида баён этмоқчи бўлган масъулиятни ўз зиммамизга олишимиз мумкин бўлур эди — келинглар, маслаҳатлашиб кўрайлик: партия XXVIII съездига тайёргарлик даврида, яъни КПСС Уставига тегишли ўзгартишлар киритилишидан илгари район, шаҳар, округ, область, ўлка партия ташкилотлари ва иттифоқдош республикалар Компартияларининг конференциялари ва съездларида ана шу партия комитетларининг назорат-ревизия комиссияларини тузишга ижозат берсак қандай бўларкин. Ҳозир тажриба тариқасида ана шундай иш ўтказилмоқда. Орттирилган тажрибага таяниб, КПСС Уставига киритиладиган таклифлар тақдим этилмоқда.

КПССнинг янги Устави лойиҳасида акс этган мазкур комиссияларнинг вазифаларига, шунингдек Пленумимиз муҳокамасига тақдим этилган КПССнинг марказий Назорат-ревизия комиссияси тўғрисидаги низом лойиҳасига таяниб, конференциялар ва съездларда комиссиялар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш мумкин бўлур эди. Агар эътирозлар бўлмаса, бу ёндашувни Марказий Комитет Пленуми қарорида акс эттириш мумкин бўлур эди.

КПССдаги демократик қайта қуриш асосида Устав лойиҳасида партия бюджетини ташкил этиш ва сарфлаш практикасида жиддий ўзгартишларни рўёбга чиқариш назарда тутилмоқда. Бошланғич партия ташкилотлари ҳозир ҳамма жойда ўзлари йиғаётган партия аъзолик бадалларининг 50 фоизгача бўлган қисмини ўз ихтиёрларида қолдиришни талаб қилишаётган эди. Эндиликда бу талаб рўёбга чиқариляпти.

Партия ташкилотлари фаолиятида бир қанча янги вазифалар ҳамда сиёсий кучғайратлар сарфланиши лозим бўлаётган соҳалар пайдо бўлаётган ҳозирги шароитда бу чора ўз вақтидаги ва тўғри чора бўлади деб ўйлайман. Бюджетни ташкил этиш ва партия маблағларини сарфлаш билан боғлиқ бўлган барча масалаларнинг очиқ-ойдинлиги тўғрисидаги қоида партия Уставига киритилмоқда. Бундан буён партия бюджети КПСС Марказий Комитетининг Пленумларида кўриб чиқилади ва тасдиқланади ҳамда шундан кейин бюджет матбуотда эълон қилинади.

Устав лойиҳасида аъзолик бадаллари тўлашнинг янги жадвали таклиф этилмоқда. Ушбу жадвал коммунистларнинг кўпгина таклифлари ва истаклари инобатга олиниб тузилган. Тўғри, партия аъзоларининг айрим тоифаларини бадал тўлашдан озод қилиш тўғрисида ҳам таклиф тушган эди. Бундай чора партиямиз анъаналарига монанд эмасдек кўринади. Ушбу таклифи коммунистлар қабул қилишмаган бўлур эди, деб ўйлайман. Шунинг учун ҳам лойиҳада айрим тоифалардаги партия аъзолари учун рамзий аъзолик бадалини белгилаш назарда тутилган, бу, ҳойнаҳой, мазкур ҳолда зарур бўлган энг мақбул йўлдир.

Устав лойиҳасининг айрим янги қоидалари таърифини якунлар эканман, шуни таъкидламоқчиманки, ушбу янгиликларни партия ҳозирги тараққиётининг, уни тубдан янгилашнинг объектив эҳтиёжлари тақозо этмоқда. Устав лойиҳасида ана шу айрим янги моддаларни ифодалар эканмиз, биз коммунистлар муҳокамасига шундай ҳужжатни тақдим этишдан умидвормизки, токи бу ҳужжат ички партиявий муносабатларни қайта қуришга йўналтирсин, мазкур қайта қуриш партияни кенг кўламда демократиялашни жамиятимизнинг авангард кучи сифатида партиянинг уюшқоқлиги ва унинг ишга шайлигининг ўсиши билан пайванд этсин.

Ўртоқлар! Съездга тайёргарликнинг айрим масалалари хусусида ҳам тўхтаб ўтишга ижозат берсангиз. Съездни 1990 йил 2 июль куни Кремлнинг Съездлар саройида чақириш таклиф этилади.

Съезднинг кун тартиби КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленумида тасдиқланган эди. Кун тартибини КПССнинг «Инсонпарвар, демократик социализм сари» Ҳаракат дастури тўғрисидаги масала билан тўлдириш таклиф этилади. Марказий Комитет докладида КПСС Ҳаракат дастури ва Устави лойиҳалари билан алоқадор барча масалаларни баён этиш тўғрисида ҳозирнинг ўзидаёқ келишиб олиш мумкин бўлур эди. Таклиф этилаётган кун тартиби съездда ташаббускорлик йўли билан ёки бошқа тартибда резолюцияларнинг турли лойиҳалари ҳам тақдим этилиши мумкинлигини истисно этмайди, албатта. Биз съезд ижодий муҳитда ўтишига ёрдам беришимиз керак.

Биз съездда вакиллик нормасини ва делегатлар сайлаш тартибини белгилаб олишимиз керак. КПССнинг XXVII съездига 3670 нафар партия аъзосидан бир делегат сайланган эди. Ўтган давр мобайнида партия ўсди. 1990 йилнинг 1 январида партия аъзоларининг сони 18,8 миллион кишини ташкил этди. Шуни ҳисобга олиб, XXVIII съездга 4 минг нафар партия аъзосидан бир делегат сайлаш таклиф этилади. Ҳисоб-китобларга қараганда, бу съездда қарийб 4700 делегат бўлишига имкон беради.

Делегатлар сайлаш тартиби хусусида биз шунга асосланишимиз кераккки, партия ташкилотларига демократик нормаларга амал қилиб, ўз масалаларини ўзлари ҳал этишлари учун катта эрк берилиши лозим.

Кўпгина партия ташкилотларидан, айниқса шаҳарлардаги партия ташкилотларидан съездга делегатларни партия округлари бўйича сайлаш тўғрисида таклифлар тушди.

Делегатлар сайлашнинг илгариги тартиби тарафдорлари ҳам бор, бу, аввало, жуда катта территорияларда ишлаётган партия ташкилотларига дахлдордир. Партия комитетлари, шаҳар ва район партия комитетлари секретарларининг катта гуруҳи билан учрашув чоғида бу масалалар кўтарилган эди. Улар ишининг конкрет шарт-шароитлари, ҳар қалай, бу ишдаги ёндашувларга ўз таъсирини ўтказади, албатта.

Марказий Комитет Сиёсий бюроси КПСС XXVIII съездига делегатлар сайлашнинг қайси тартиби мақбулроқ бўлишини партия ташкилотларининг ўзлари белгилаши ҳуқуқини уларга бериш мумкин, деб ҳисоблайди.

Тўғри, бу хусусда танқидий фикр-мулоҳазалар ҳам айтила бошлади. Лекин бу ҳозирги ижтимоий-сиёсий жараёнга хос бўлган хусусиятдир: дарҳақиқат барча таклифларга у ёки бу тарзда шубҳа билан қаралмоқда. Кечагина партия ташкилотларига делегатларни қай йўсинда сайлаш ҳуқуқини беришни таклиф этаётган кишилар бугун бундай демоқдалар: маҳаллий партия органлари партия ташкилотларига буйруқ бермасликлари учун пленум кўрсатма бериши лозим. Хуллас, бухоролик Хўжа Насриддиннинг куни бот-бот бизнинг бошимизга тушиб турибди: афанди эшакка миниб кетаётганини кўрган ҳалойиқ жониворга жабр бўлибдику, деб Насриддинни койиган экан; афанди эшакни елкасига ортиб йўлга равона бўлганида эса: «қари эшак хўтикни кўтариб олибди-ку» деб, яна мазах қилишибди.

Биз партияда ҳақиқатан ҳам демократик сайлов бўлиши, жамиятимиз тараққиёти ва партияни ислоҳ қилиш масалаларини ҳал этиш масъулиятини ўз зиммасига оладиган партия ташкилотларининг вакиллари сайланишини ҳисобга олиб, барча ишларни расамади билан оқилона ҳал этишимиз керак.

Марказий Комитетнинг партия қурилиши ва кадрлар билан ишлаш сиёсати масалалари комиссиясининг шу хусусдаги таклифлари матбуотда эълон қилинган эди, коммунистлар бу таклифларни умуман қўллаб-қувватладилар. Марказий Комитет бугун шу таклифларни муҳокама қилиб, тегишли қарор қабул қилса тўғри бўлади, деб ўйлайман.

Партия съездига тайёргарлик чоғида бу иш кенг партия фаолларига суяниб, амалга оширилсин, деб талаб этаётган коммунистларнинг қўпдан-кўп истакларини инобатга олиш лозим бўлади. Марказий органларга кирмайдиган коммунистларни, аввало, бошланғич партия ташкилотларининг секретарларини, маҳаллий партия ташкилотларининг ходимларини, олимларни Марказий Комитет комиссияси орқали Марказий Комитет Ҳаракат дастури ва КПСС Устави лойиҳалари юзасидан мунозаралар материалларини умумлаштиришга ва тегишли таклифлар ишлаб чиқишга дарҳол жалб этиш зарур. Бу демократик йўл бўлади ва давр руҳига мос бўлади, деб ўйлайман.

Съездга делегатлар сайланиб бораверишига қараб, улар орасидан КПСС съездининг асосий ҳужжатлари ва қарорларини ишлаб чиқиш, съездни ўтказиш тартиби, унинг мажлислари иш тартибини ишлаб чиқиш юзасидан иш комиссиялари ва группалар тузиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай ёндашув съездга тайёргарлик янада самарали ва демократик йўсинда бўлишини таъминлайди.

Энди партиядаги ҳисобот сайлов кампанияси ҳақида гапирмоқчиман. Марказий Комитетнинг аввалги Пленумида Сиёсий бюро, Пленум қатнашчилари съезд арафасида партиянинг барча бўғинларида батафсил ҳисоботлар ва сайлов бўлсин, буларда Марказий Комитетнинг Ҳаракат дастури ва КПСС Устави лойиҳалари хусусида кенг мунозара бўлсин, деган фикрни билдиришган эди. Лекин бу нуқтаи назар ҳамма ерда ҳам қўллаб-қувватланмади. Бир қанча партия комитетлари ҳисобот ва сайловни съезддан кейин ўтказишни талаб қилмоқдалар. Бу тўғри бўлмаса керак, деб ўйлаймиз. Бунинг боиси бор, албатта.

Маълумки, бир қанча партия ташкилотларидаги аҳвол беқарор бўлиб турибди. Баъзан митингларда ҳис-туйғуларнинг жўш уриб кетиши у ёки бу областда, районда партиявий раҳбариятни алмаштириш учун кифоя қилган эди. Нима бўлганида ҳам партия органлари ишидан одамларнинг қониқмаётгани шу воқеаларга сабаб бўлди. Ҳокимиятнинг республика ва маҳаллий органларига бир қанча жойларда бўлган сайлов ҳам шундан далолат бераётганини айтиб ўтиш керак бўлади.

Худди ана шундай вазиятда партиянинг барча раҳбар органлари — бошланғич ташкилотнинг партия бюросидан тортиб, КПСС Марказий Комитетигача — ҳисоботлар ва сайловдан ўтиши лозимлигидан ва коммунистларнинг ишонч ёрлиғини олиши кераклигидан бўйин товлаб бўладими, ахир! Вазият шундай қилиш зарурлигини тақозо этяпти деб ўйлайман.

Ҳисобот-сайлов йиғилишларида, конференцияларда ва съездларда партия ташкилоти фаолиятининг барча жиҳатлари батафсил таҳлил қилиниши, қайта қуриш учун қандай юмушлар бажаргани ҳақида ҳисоботдан ҳеч ким четда турмаслиги керак. Акс ҳолда съездга тайёргарлик коммунистларга дахлдор бўлмай қолади, партия сафларида бундан буён ҳам ишлашни истаётган ҳар бир киши зиммасига партия тақдири учун тушаётган масъулият ҳиссини коммунистлар охиригача англаб олишига имконият бўлмайди. Бунинг устига, бу ҳол партиянинг ўзида ҳам, умуман жамиятда ҳам съезд арафасида коммунистлар олдидаги ҳисоботга чап беришни истаётган «аппаратнинг ҳийласи» деб қабул қилиниши мумкин.

Бу масаланинг бир жиҳатидир. Иккинчи жиҳати шундаки, барча даражадаги партия органлари ҳозир, айниқса янги кучларга, ишнинг сиёсий усулларини эгаллаб олган, калтабинлик ва ташкилий уқувсизликдан ҳоли бўлган, социализм ишига садоқатли, қайта қуриш авлодига мансуб раҳбар кадрларга муҳтождир. Партияга сиёсий жангчилар, ғайрат-шижоатли дадил одамлар ҳар қачонгидан кўра зарурдир. бу кишилар партия органи бюрократик, амалдорлик аппаратидир, деб ижтимоий онгда таркиб топган тасаввурни ўзгартиришга қодир бўлишлари керак.

Ҳисоботлар ва сайлов чоғида партия тўғрисида, социализм тўғрисида ҳалол, очиқ-ойдин гап бораётган муҳитдагина амалий ҳаракатлар режаси таркиб топиши, съездга эса қайта қуриш учун ҳақиқий курашчилар делегат қилиб сайланиши мумкин. Ҳисобот-сайлов кампаниясининг сиёсий бисотига суянибгина, съездда узуқ-юлуқ гаплар ва пинҳоний сиёсий найранглардан ҳоли бўлган ҳақиқатан ҳам ижодий, ҳақиқий ишончи вазиятини вужудга келтириш мумкин.

Ниҳоят, съездга қадар сайлаб қўйиладиган шундай органларга эга бўлишимиз керакки, бу органлар қабул қилинган қарорлар учун, жумладан съездда қабул қилинган қарорлар учун ҳам, бу қарорларни амалда рўёбга чиқариш учун ҳам бутун масъулиятни ўз зиммаларига олсинлар. Шундай қилингандагина партиявий сўз билан иш бир-биридан аж-раб қолмайди.

Ҳисоботлар ва сайловни съезддан кейинги даврда ўтказишга тарафдор бўлган кишилар, КПСС Уставига тегишли ўзгартишлар киритилмаса, раҳбар органларни демократик йўсинда, муқобил негизда сайлаб бўлмайди, демоқдалар. Аммо партия ташкилотларига раҳбар органларни қуйидан бўладиган таклифларни ҳисобга олиб, сайлаб қўйишдек тартиб ўрнатишга ҳеч нима халал бермаяпти, шундай қилиб бюллетенга мандатлардагига нисбатан кўпроқ номзодларни киритиш керак. Йиғилиш, конференция, съезд партия ташкилотларининг олий органларидир ва улар ўз раҳбарлари комитет пленумида сайланадими ёки йиғилиш-конференция, съезднинг бевосита бутун состави томонидан сайланадими — буларни ўзлари белгилашга ҳақлидирлар. Пленумимиз шу хусусда қарор қабул қилиши ҳамда шундай қилиб, коммунистларнинг шубҳаларини бартараф этиши мумкин, деб ўйлайман. Партия комитетлари ҳисоботлар ва сайлов июнь ойида якунланишини ҳисобга олиб, бу кампания навбатини ўзлари белгилаб олишлари мумкин бўлур эди.

Съездга тайёргарликнинг ташкилий жиҳати билан боғлиқ асосий масалалар ана шулардир.

Ўртоқлар!

Марказий Комитетнинг мазкур Пленуми КПСС XXVIII съездига тайёргарликнинг биринчи босқичи якунланган маррани белгиламоқда, бу хусусда асосий қарорлар қабул этилди ҳамда программавий ва Устав ҳужжатлари партия ҳукмига ҳавола қилинмоқда. Янги босқичда съездолди лойиҳаларининг умумпартиявий, умумхалқ муҳокамасини авж олдириш, ҳар бир коммунистни туб партиявий масалаларни ҳал қилишга жалб қилиш керак бўлади.

Мазкур лойиҳаларда баён этилган ғоялар ва таклифларни коммунистлар қизиқиб, жонкуярлик билан кутиб олишларига ишончим комил, бу лойиҳалар ҳисобот-сайлов йиғилишларида, конференциялар ва съездларда жиддий фикр юритиш, ҳаётий ишлар тўғрисида, партиямизнинг келажаги ҳақида, мамлакатимизнинг истиқболи тўғрисида жиддий фикр юритиш учун яхши негиз бўлиб хизмат қилади.

МУДОМ БОР БЎЛСИН, НАВРЎЗ!

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Бундай байрамлар бошқа халқларда ҳам бор. Инсоният борки, улуғ айём кунлари дастурхон тузаб, меҳмон кутади, дўсту биродарларини чорлайди. Меҳмон — отангдан улуғ, дейди халқимиз. Шу боис меҳмоннинг ёшига, даражасига, миллати ва динига эътибор берилмайди, барчага бирдай иззат-икром кўрсатилади. Қўлига сув қўйиб, оқкўнгиллик рамзига айланган оппоқ сочиқ тутилади. Бинобарин, Наврўз меҳмондўстлик айёмидир!

Ота-боболаримизнинг эзгу одатларига амал қилиш, уларни келгуси авлодларга етказиш ҳар биримизнинг фарзандлик бурчимиздир. Ота-боболаримиз бизга миллат айирмаслик, барча халқлар башарият фарзанди эканлиги ҳақида таълим-тарбия бериб келганлар. Инсоният тарихига назар солсак, ҳеч қачон ҳеч бир миллат маҳдуд яшамаганини кўрамиз. Элларулуслар ҳамиша бир-бирларидан куч ва рағбат олиб, илм ва ҳунар ўрганиб келганлар.

Ақлу заковат соҳиблари ўз фаолиятларини ҳамиша инсониятнинг бахт-саодати, эл-улуснинг ўзаро ҳамкорлиги, халқларнинг тинч, осойишта ва фаровон турмуш кечиришлари учун бағишлаганлар. Наврўз — байналмилал айём!

Инсон ҳаётининг асл маъноси одамийлик фазилатларини кўрсатишга, ўзининг бутун куч-қудратини, истеъдодини, халқ манфаати йўлида эзгу ва хайрли ишларга сафарбар этишдадир.

• МУАММОЛАРНИ БИРГАЛИКДА, ОСОЙИШТАЛИК ВА АҚЛ-ИДРОК БИЛАН ҲАЛ ЭТАЙЛИҚ

«ГАПДОН»ЛИКДАН ИШ АФЗАЛ

Бир вақтлар ваъдабозлик жонга текканди. Қўлидан келса-келмаса «ундоқ қилодурман, бундоқ қилодурман», деб тингловчиларнинг энсасини қотиришарди. Яхшиямки бу ҳолат барҳам топди. Бироқ энди гапдонлар, митингбозлар пайдо бўлиб, қулоқни қоматга келтиришмоқда.

Тўғри, гапириб иш битирадиган касб эгалари ҳам бор. Мен у ҳақда сўз очаётганим йўқ. Кошки эди, гапириб бирон нимани исбот қилса, туриш-турмушимизга нафи тегадиган янгиликни рўёбга чиқаришса майли эди-я. Лекин ҳаммага маълум бўлган қийинчиликлар ҳақида фақат ўзи биладиган бир тарзда оғиз кўпиртириб, митинглар тўрида чираниб гапирувчилардан тўйдик.

Менимча, бунақа гапдонликдан иш қилган яхши. Мен қурувчиман. Касбим — ғишт терувчилик. Қоришма вақтида етказиб берилса-ю, бир дона бўлса ,ҳам кўпроқ ғишт терсам дейман. Аммо баъзи бир донолар, фаннинг ёки халқ хўжалигининг бирон бир соҳаси бўйича билимдон ўртоқлар ҳеч кимга фойдаси тегмайдиган баландпарвоз гапларни юзлаб, минглаб одамларга янглиқ деб, ўзларини халқ жафокаши деб тиқиштиришга уринаётганликлари биз, меҳнаткаш кишиларнинг ғашига тегмоқда.

Меҳнат кишиси бўш қолди дегунча бирон бир фойдали иш билан шуғулланишни афзал кўради. Уйда бўлса ҳовлижойимизни тартибга келтирамиз, кўчатлар тагини юмшатамиз. Ишхонада бўлса иш қуролларимизни тозалаймиз, созлаймиз. Шунда ҳам бекор қоладиган бўлсак, ёнимиздаги ҳамкасбларга кўмаклашамиз, шогирдларга билганларимизни ўргатамиз. Бундан ўзимиз ҳам ҳурсанд бўламиз, албатта. Бироқ қуруқ сафсатабозликдан кимга фойда!

Ҳ. ТУРСУНОВ.
Меҳнат ветерани, ғишт терувчи.

ТАШВИШИМ БОИСИ

Касбим — муаллимлик. Ёш авлодга таълим-тарбия бераётганимга 30 йилдан ошди. Шунча ишлаб ўқувчиларим келажаги учун ҳозиргидек ташвишланган эмасман. Ахир уларни ҳам оёқ олишлари озми-кўпми ўзгариб қоляпти. Чунки, улар ўзларидан катталарга эргашишни ёқтирадилар, уларга тақлид қилмоқдалар. Катталар-чи?...

Дорилфунунларда, махсус ўқув юртларида таҳсил олаётган айрим талабаларимиз нима иш билан шуғулланмоқдалар? Баъзи зиёлиларимиз-чи? Нафақат, бизга Фарғона, Бўка, Паркент фожиалари ўйлаб кўриш, мулоҳаза қилиш учун сабоқ бўлолмаётган бўлса? Баъзан эшитиб қоламан, Сурхондарё областида ҳам норасмий уюшмалар бор экан. Тўғри, улар бирон шаҳар ёки район миқёсида митинглар ўтказиб, турли чиқишлар қилолганларича йўқ. Лекин яширинча ташвиқот-тарғибот ишларини олиб бораётирлар, ўзларига маслакдошлар тўпламоқдалар.

Хўш, шу ҳаракатларнинг қайта қуришга нафи борми? Биз нима учун инқилобий қайта қуришни ўтказаётирмиз? Аввалгидан кўра яхшироқ яшаш учун-ми? Агар уларнинг ҳаракати яхши яшаш учун бўладиган бўлса, марҳамат, яхши меҳнат қилайлик. Фарзандларимиз турли йиғинларда қатнашамиз, деб эртани кеч қилгунча хоналарда, аудиторияларда илм жумбоқларини ечсалар бўлмайдими? Норасмий уюшмаларнинг фаоллари нимани истайдилар? Тил ҳақида Қонун қабул қилинди. Пахтанинг ҳам ҳарид нархи оширилади. Деҳқон ерли бўлди. Экология борасида жиддий кураш олиб борилмоқда. Социал соҳада ҳам ўзгаришлар бўляпти. Рост, энди ютуқлар унча сезиларли эмас, аммо озми-кўпми илгарилаш бор-ку?

Энди мен чин сўзимни айтсам, партия ташкилотлари бош қўшмаса шу озгина ўзгариш ҳам бўлмасди. Бунга имоним комил. Майли, эҳтимол, норасмий уюшмалар ҳам керакдир. Бироқ, менинг назаримда у халқни кўпроқ митинглар, намойишлар ва бошқа нотўғри ҳаракатларга тортиш ўрнига партия ва совет ташкилотларига катта-катта режаларни амалга оширишда ёрдам бермоғи лозим. Узоққа бормайлик. Республика Олий Совети сессияси «Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили тўғрисида» Қонун қабул қилди. Ундан олдинроқ эса республика партия ва ҳукуматининг аҳолига хизмат кўрсатишни, социал-маданий шароитларни яхшилаш тўғрисидаги қарори чиққанди. Бундай ҳужжатлар жойларда турмушга қандай татбиқ этилмоқда? Ёки мактаб ислоҳоти ҳақидаги қарорнинг таълим-тарбия ишларини қайта қуришда нафи бўлдими, йўқми? Уни дадил жорий қилишга кимлар ва нималар халақит бермоқда? Бу саволларга очиқ-ошкора жавоб излаш, айбдорларни топиб, уларнинг номлари баралла овоз билан айтилса, бу бошқа гап.

Жойлардаги норасмий уюшмаларнинг ҳаракат дастури ҳам ўзига яраша. Партия ташкилотлари меҳнаткашлар диққатини нимага қаратаётган бўлса, улар ҳам шуни «илиб» олиб, халққа ўз режаси сифатида етказяпти. Ахир, уларнинг мустақил режалари ҳам борми? Масалан, Термиз шаҳрининг қоқ ўртасида пахта заводи бор. Унинг атрофида бир эмас, учта касалхона жойлашган. Аҳоли ҳам, беморлар ҳам завод цехларидан чиқаётган чангдан дод демоқдалар. Нега мавжуд уюшмалар шу корхонами шаҳар ташқарисига чиқаришни талаб қилмайдилар? Ёки Термиз педагогика институтига талабалар қабул қилишда ғирромликлар бор, деган гап-сўзлар тез-тез қулоққа чалиниб турибди. Борди-ю, шундай ғирромликлар бўлса, норасмий уюшмалар уларнинг олдини олишда шаҳар партия ва совет ташкилотларига ёрдам берсалар бўлмайдими? Аминманки, бундай муаммолар республиканинг ҳар бир шаҳри ва қишлоғида бор. Уюшмалар ана шу муаммоларни ҳал этишда амалий ёрдам кўрсатсалар дуруст бўларди.

Тунов куни газетада босилган мақоладан айрим норасмий уюшмалар раҳбарлари баъзи нотўғри ҳатти-ҳаракатлар қилаётганликларини ўқидим. Бу нима деган гап — ҳадеб халқнинг фикрини чалғитиш учун минг-минглаб одамларни ишидан, тирикчилигидан қолдириб, митинг устига митинг ўтказишдан уларнинг мақсадлари нима? Қуруқ гап билан митингларда даво қилинаётган касалхоналар ва мактабларнинг бинолари кўтарилиб қолмайди, озиқ-овқат ўз-ўзидан кўпайиб қозонга тушмайди ёки турмуш бирдан фаровонлашиб, ҳамма нарса сероб бўлиб қолмайди! Бунинг учун меҳнат қилиш, фақат тер тўкиб меҳнат қилиш керак.

Қисқаси, норасмий уюшмаларнинг қайта қуришга зид бўлган шу тариқа хатти-ҳаракатлари бир муаллима сифатида шахсан менга ёқмаяпти. Мен бундан ғоят ташвишдаман.

Н. НОРМАТОВА,
Термиз шаҳридаги Ҳамид Олимжон номли 12-мактабнинг методист ўқитувчиси.

Қўйлар кўпаймоқда

Жиззах область Фориш районидаги К. Маркс номли совхоз биринчи бўлимининг илғор чўпони А. Жумашев кўп йиллардан бери ўз касби шарафини ардоқлаб меҳнат қилаётир. У ҳар йили ўз боқимидаги совлиқлардан кўплаб қўзи олиш билан шуҳрат топган. Бу йил ҳам 630 бош совлиқнинг ҳар юз бошидан 121 тадан қўзи олишга сўз берган. Шу кунларда унинг отаридаги совлиқлар бирин-кетин қўзилай бошлади.

Суратда: моҳир чўпон Аброр Жумашев.

У. ҚУШВОҚОВ сурати.

• БЕТГА АЙТГАННИНГ ЗАҲРИ ЙЎҚ

АЛДАГАНИ БОЛА ЯХШИ

Яқинда магазиндан 9 ёшли ўғлим учун Бухоро тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланган костюм-шимни сотиб олдим. Уйга келиб, ўғлимга кийдириб кўрдим. Не кўз билан кўрайки, костюмнинг иккала енги астари ярмигача сўкилган. Бу ҳам майли. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, тугма ўрни бор-у, фақатгина битта тугма қадалган, холос. Тикилиши сифатсиз. Ҳатто узун-қисқа иплари осилиб турибди. Чап енги ўнг енгига нисбатан калта тикилган. Костюм-шимни кўриб ўғлим аввалига қувонган бўлса, камчиликларини билгандан кейин: «Ойижон, яхшиси буни тезроқ магазинга топшириб, бошқасини олиб беринг», деди.

Эртасига магазинга бориб, буюмни бошқасига алмаштирдим. Буниси ҳам аввалгисидан қолишмас экан. Шунинг учун янги костюмга қайтадан «ишлов» беришга киришдим.

СССР 60 йиллиги номли Бухоро тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасидаги тикувчилар наҳотки ўз ишларига шунчалик совуқ-қонлик билан ёндашсалар? Бундай сифатсиз маҳсулотлар кимга керак? Ахир, улар биз катталарни эмас, болаларни алдашяпти-ку! Менимча, Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги масъул раҳбарлари харидорлар талаб-эҳтиёжларини ҳисобга олиб, бирлашма фаолиятига эътиборни қаратсалар айни муддао бўлур эди.

М. САИДАҲМЕДОВА,
Самарқанд области.

• Қишлоғимиз кишилари

ЛУҚМАИ ҲАЛОЛ

Очерк

— Келасан-кетасан, келасан-кетасан, мен сенга ҳамма гапни айтдим-ку!.. Нима, қишлоққа мендан бўлак кимса кеч қайтмайдими ёки Сафаровдан бошқа одам бўзтўрғай сайрамасдан далага етиб келмайди, деб ўйлайсанми!.. Ёзаман десанг анови қўли қадоқ қизларни ёз! Чимилдиққа кирганда ҳам қўйилган хинаси қадоқларини яширолмайди. Бирор сўз айтаман десанг юзлари йил ўн икки ой упа-элик кўрмайдиган манови келинчаклар ҳақида айт...

Бу гаплар Музаффар Сафаровга тегишли. У киши Боёвут районидаги «Боёвут» совхозига қарашли «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» бўлими бошқарувчиси. Ўтган йили бўлим деҳқонлари 656 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 38 центнердан ҳосил кўтардилар.

...Ушанда совхоз бош иқтисодчиси Турдиқул Абдуқодировнинг ҳасратидан роса чанг кўтарилди. Бир даста ҳужжатларини совхоз директори столига ташлади.

— Ё мени ҳақсан денг, ё Музаффар акани. Яхши гапга кўнмаса, муомалани билмаса, қаттиқроқ гапирсам мендан баланд келса...

Директор кўзойнагини яхшилаб артдида, мийиғида кулимсираб қўйди.

— Энди ука, гап бундай. Инсоф билан айтганда, ўзимизданам хатолик ўтган. Кўнглингга олма-ю, қадимгилар «муомалада от бўлсанг бўлу — ит бўлма» дейишган. Биз ана шу нақлни унутиб қўйдик. Бўлим раҳбарларини, мутахассисларини мукофотлаш тадбирини сен билан биз тузатган эдик. Тўғрими? Йил якунига кўра хўжалик раҳбарлари, бош мутахассислари тўрт-беш ойлик миқдорида мукофот пули олишса-ю, Музаффар акалар планни бир ярим баравар бажариб бармоғини тишлаб қолаверсинми? Бунақаси кетмайди. У одам ушлаган жойини қўйиб юбормайди. Дарҳол ҳужжатларни расмийлаштириб, уларнинг ҳақини тўғрилаб беринглар.

Ўша гал бош иқтисодчи билан Сафаровнинг жанжали хайрли барҳам топди. Аммо кўп ўтмай, Турдиқул Абдуқодиров яна директор ҳузурига кирди. Бу гал унинг ҳасратидан чанг эмас, олов чақнарди.

— Мен сизга нима дегандим, директор бува? Сафаров деганлари қадалган жойдан қон оладиган одам. Яна машмаша чиқарди. Эмишки, уларнинг ҳар бир механизаторига, сувчисига, ишчисига қилган меҳнатига яраша, 100, 150, 200 сўмдан қўшимча пул тўлашимиз керак экан. Августда қабул қилинган қароримизни неш қилиб сира ғазабдан тушмаяпти. Ахир, планни тўлдирса отасига раҳмат! Пичоғи мой устида бўлади, Йил якунига кўра жарақлатиб пулини олади. Мукофотга бало борми? Бунақада совхознинг кассаси «торт-торт» бўлиб кетади-ку! Илғор, тадбиркор, деган сайин Музаффар акадан инсоф қочяпти. Бир неча минг сўмни ўтган сафар қуртдай санаб олгани етмай яна бир неча минг сўмнинг бошига сув қуймоқчи. Ҳа, десам, бўлим раҳбарлари одаму қолганлар оёғини ойдан осилтириб тушганми, деб оёқ тираб турибди.

— Хўш, мен нима қилай? — деди директор бир зум ўйга толгач.— Планни бажардингиз, қўшимча мажбуриятни ҳам қойиллатдингиз, учтўрт минг сўм пул учун жирттаки чалманг дейми? Йўқ оғайни, янглишасиз. «Суф сендақанги директору бош иқтисодчига!» демайдими? Нима десангиз денгу бу сафар ҳам Музаффар ака ҳақ.

Орадан кунлар ўтди, ойлар ўтди. Совхоз директори бир куни Турдиқул Абдуқодировни ҳузурига чақиртирди. Бош иқтисодчи киргач, унинг қўлига бўғланиб, хушбўй таратиб турган бир пиёла чой узатди-да, саволга тутди:

— Эшитдингизми, Музаффар акани нимани ишини? Йўқ денг, бекорларнинг бештасини айтибсиз. Қулоғингизнинг учи билан бўлса ҳам эшитган чиқарсиз. Хўп-хўп, сизни эшитмаган ҳам дейлик... Акангизни жанжалкаш, қонунчи, бир тийин устида ётиб талашадиган кимса дея хўп мазаммат қиламиз. Ростини айтсам, қанийди шунақанги жанжалкашлардан хўжалигимизда яна беш-олти нафари бўлса, пулнинг тагида қолиб кетардик, ука, пулнинг тагида! Илжайиш ўрнига гапимни яхшилаб эшитинг.

Музаффар акани даласига «Ан —Боёвут—2» пахта нави экилганди. Бир неча йил давомида ана шу нав синовдан ўтказилди. Музаффар ака одатдагидай плану мажбуриятни қойиллатиб қўйди. 15—20 кун олдин кечки наряд тугагач, олдимга кирди. Оғзи қулоғида. «Ҳа, Музаффар ака, ёмби топдингизми? Намунча?» — десам: «Ёмби бўлгандаям, нақд тилла ёмби топдим. Бой, номардлар-ей, буни қаранг, сурункасига бир неча йил янги нав чигитдан экибмиз-у анойилик қилиб тарновдан оқиб келаётган қонуний ҳақимизни билмай аммамнинг бузоғидай лаллайиб юраверибмиз» дейди. Ичимдан зил кетдим. Бу Музаффар акаси тушмагур бошимизни яна бирор ғалвага қўядиган бўлди-да, дея мум тишлаб ўтиравердим. «Гапни эшитинг, ўртоқ директор, янги нав пахтани синовдан ўтказиб, қўпайтириб берганлигимиз учун давлат уч йил мобайнида бизга 20 процент миқдорда қўшимча ҳақ тўларкан. Биз эса осмонга қараб оғзимизни очиб ўтираверибмиз. Бу ҳақда СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ҳамда Енгил саноат министрлигининг қўшма кўрсатмалари бор экан. Буни эшитдиму пахта заводига бориб гап ковладим. У ердагилар «Закунчилигингизни совхозингизга бориб қилинг, бу ерда гапингиз ўтмайди», деб мендан баланд келмоқчи бўлишди. Баланд кеп бўпти, икки кун раҳбарлар билан роса жиқ-қамушт бўлдик. Охири уйинг бўғдойга тўлгурлар ё чарчашди, ё инсофга келишди: мен талаб қилган ҳужжатни қидириб қолишди. Буни қаранг, Москвадан келган ҳужжат бош ҳисобчининг ғаладонида чант босиб ётибди. Судга бераман, деб пўписа қилдим. Роса товбаларига таянгач, ҳақимизни берадиган бўлишди. Бу гапни мен Ибодуллаев ҳозир раҳбар бўлиб турганлиги учун айтаётганим йўқ. Яхшини яхши дейиш аслида ҳам фарз, ҳам қарз. Қолаверса, бировдан қўрқадиган ёки тилим қисиқ жойим ҳам йўқ...

Бундан етти-саккиз йил аввал Сафаров область миқёсидаги раҳбар билан сен-менга бориб қолди. Ёмғир ёғиб турарди. Дала шийпонида уч киши суҳбат қуришарди. Бири ўша раҳбар, бири райком котиби, бири эса Музаффар аканинг ўзи.

— Яна 100 тонна пахта берасиз, ўртоқ Сафаров, — деди райком котиби суҳбатдан энсаси қотиброқ.

— Кўрмаяпсизми, ёмғир бўлса, ҳамма ёқ лой, ботқоқ. Қолаверса, далада пахта қолмади. Хабарингиз бор, плану мажбуриятни бажарганимизга бир ойдан ошди. Ерни шудгорламасак бўлмайди. Сизлар ҳам аҳволимизга тушунинглар-да бироз...

Ана шунда ўртага областдан келган меҳмон қўшилди:

— Сиз ҳам қизиқ экансиз, ўртоқ райком секретари. Бу одамга ҳадеб бир гапни такрорлаган билан наф чиқмайдиганга ўхшайди. Жавобини эшитяпсизу... Ёмғир дейди, лой дейди. Ёмғиру лой бўлса нима бўпти? Сиз айтган юз тонна менга керакми ё бошқа раҳбарларга керакми? Қай биримиз уни олиб кетиб кўрпамизга соламиз? Пахта давлатга керак... Тамом-вассалом! Сафаровга ўхшаган зараркунанда одамларнинг масаласини шартта бюрога қўйиш керак! Тик туриб жавоб берсин. Бу нима майнавозчилик?

Куз эди. Ташқарида ёмғир эзиб ёғарди. Пайкалга кирза этик билан ҳам кириб бўлмасди. Сафаров меҳмоннинг ажойиб шляпасига, чиройли қилиб тугилган галстугига, туфлисига бир зум тикилиб турди-да, деразани очиб носвойини туфлади.

— Ўғлим қатори десам балки янглишарман. Сиз укам қатори бўлсангиз керак. Мен 20 йилдан буён шу бўлимга раҳбарман... Бир йилни ҳисобга олмаганда бирор марта мажбуриятни бажармай қолган йилимиз йўқ. Одамларимиз йил якунланганда 8—10 минг сўмдан даромад олишади. Лекин «зараркунанда» деган гапингиз суягимдан ўтиб кетди. Шу гапни бекор айтдингиз-ов... Биз урушда юрганимизда, қайтиб келиб совхозлар очганимизда, янглишмасам, сизнинг кўйлагингиз турумли бўлган. Ҳанғиз эҳтиёт шарт деб тугиб қўйган. Энди ука, сенга савол: кимни ҳақорат қилаяпсан? Кимга ишоняпсан? Бу гапинг билан нима демоқчисан? Баданингда инсофу диёнат борми?..

Сафаров тутай бошлади. Райком котиби унинг феълини яхши билганидан чўчиб «ҳай-ҳай»лашга тушди. Сафаров бўлим идорасининг эшигини очди-да «Қани иккаланг ҳам марш! Бюрода кўрасанми, отиб ташлайсанми, билганингни қил. Ёмғир тиниб, ер селгигач шудгорни бошлайман. Истаган жойингга бориб, истаган ҳунарингни кўрсатавер» деди.

Областдан келган «меҳмон» ўшанда индамай кетди. Бироқ унинг сукути бўрон олдидан бўладиган жимлик эди. «Ҳап сенимми» деган ўйда у бир неча йил Сафаровнинг босган изини кузатиб юрди. Ҳатто бир неча маротаба бўлимга тафтишчилар жўнатиб ҳужжатларни тит-пит ҳам қилиб кўрди.

Ниҳоят ўша нуфузли раҳбар катта бир йиғилишда Сафаровнинг олдига келиб эришилган навбатдаги ғалаба билан қутлаб, қўлини қисди. Бу тан бериш эдими ёки Сафаровни чалғитиш эдими, ҳамон сирлигича қолди. У раҳбар кейинчалик бошқа областга ишга ўтиб кетди.

Ғалати факт. Сафаровни ўжар дедик. Ҳақиқатан ҳам шундайми? Бу ўжарликда ўзбилармонлик, манманлик яширин эмасмикин? 1986 йилда бўлимда район пахтакорларининг чигит экишга бағишланган семинари ўтказиладиган бўлди. Бундай таклифга бошқалар мамнунлик билан рози бўлишарди. Сафаров эса кўнмади. Ўша пайтдаги совхоз директори унинг бу қилиғидан ранжиб, райкомга қўнғироқ қилди. У ердан вакиллар келишиб бошқарувчини кўндириб кетишди. Бу воқеа апрелда юз берганди. Ёмғир тинганига эндигина икки кун вақт ўтган, тупроқнинг устки қатлами қуригани билан пасти ҳали лой эди.

Семинар ҳам бўлди, донгдор пахтакорлар, раҳбарлар бўлимга ташриф буюришди. Ҳамма бу ерда йўлга қўйилган ишни, созланган механизмларни, чигит экиш сифатини мақтай-мақтай тарқалишди. Орадан бир ҳафта ўтди. Сафаров тунги ўн иккиларда совхоз директорининг уйига борди. Сўнг иккаласи машинада яна бўлим даласига қайтиб келишди. Соат биргача дала айланишди. Шийпонга келганда Сафаровнинг юзи тунд, директор эса қизариб, терлаб кетган эди...

— Тўғри гап туққанингга ёқмайди, деганларининг мазмунига энди етгандирсиз, ўртоқ директор. Кўрдингиз, семинар куни эккан чигитимиз чириб кетибди. Икки кун кейин чигит экилган майдонларда эса ғўза жонивор ўйинга тушаётган раққосалардек тизилиб турибди. Тупроқнинг пастки қатлами лой десам гап билан уриб енгдиларинг. Ҳавойи обрўга учиб ўттиз гектарга чигит қададик. Қанча чигит, қанча ўғит, қанча ёнилғи, ишчи кучи беҳуда кетди. Бу бизга дарс бўлсин. Тўғри, сизнинг амалингиз катта, кўпинча ҳақ гапга елка тириштирасиз... Ахир, ўша шамолга соврилган пул йўғон чўзилиб ингичка узиладиган дамда хўжаликка мадор бўларди-ку! Одамларнинг оғзидагини тортиб олиш инсофданми?..

Ўша йили ҳам улар баракали ҳосил кўтаришди. Бироқ ўттиз гектардаги ривожланишдан кечиккан ниҳоллар эски яра каби анча пайт ўзининг борлигини эслатиб турди.

— Мен оддий раҳбарман. Агар бўлимда Қўчқор Хўжамқулов, Ортиқбой Усмонов, Худойберди Ўрозбоев, Ҳамид Назаров, Бобоназар Жуманов, Сувонқул Шербеков, Эргаш Жуманазаров, Козим Бадракли каби ўнлаб механизатор, сувчи, бригада бошлиқлари бўлмаганда менинг тажрибам уч пул эди. Мен ғўзасини боласидай яхши кўрувчи бу одамларга суяниб, ишониб ишлайман. Гаргар гапиришим ҳам шуларнинг орқасидан. Лоф эмасу бу одамларнинг ҳар бири пахтачилик профессорларидир. Мана, ўтган йили ҳам бўлимимиз пахтакорлари областда биринчи бўлиб маррага етишди. Пахтамизнинг асосий қисми юқори навларга сотилди. Даромадимиз бурноғи йилга нисбатан ҳам баракали бўлди. Ҳисобчи-ю, иқтисодчиларга инсоф берса бас! Яна битта гап бор. Мен пахтага аралашгандан буён нарх талашаман. Пахтага аралашгандан буён юртимизда бу бебаҳо бойликни қайта ишлайдиган корхоналар очилишини орзу қиламан. Мана, эндиликда ана шу гапларни минглаб одамлар айтаяпти. Бирлашсак, дўппини ёнга қўйиб кенгашсак, орзуимиз ижобат топишига ишонаман. Ахир, ҳар тонна пахтага камида 2 минг сўмдан пул олсаккина деҳқонларимизнинг косаси оқариши кимга сир?.. Пахта, пахта деймиз. Пахтани далада юрганлардан сўра... Маржон-маржон терга ботганлардан сўра... Ана шунда унинг азобу роҳатларини яхшироқ уқиб оласан..

Сафаров мен билан гаплашганда бир нарсани яширди. Пахтамизнинг асосий қисмини юқори навларга топширдик, хурсандмиз, деди-ю, лекин қабул пунктидаги ўртоқлар билан жанжаллашганини айтмади. Демак, унинг нимадандир кўнгли тўлмаган. Сўраб-суриштириб яқинда бунинг ҳам тагига етдим. Пунктда ўтган йили йиғим-терим бошланган дастлабки кунларда «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» номли бўлимнинг 300 тонна пахтасини иккинчи навга қабул қилишибди. Музаффар ака бир неча кун ана шу жанжал билан банд бўлибди. Топширган пахталаридан намуна олиб бетараф жойда алоҳида-алоҳида текширтирибди. Бироқ пунктда айтилган фикр тасдиқланибди.

— Аммо сизлар Сафаров кўнди, деб кўп ҳам хурсанд бўлаверманглар. Биз топширган пахталарни алоҳида бунт қиласизлар. Қани, бирон ой турсин. Биринчи навга бир неча миллиметр етмаётган экан. Агар бир ой ичида тола узунлиги ўзгармаса сизларга даъвоим йўқ. Чигит деганда шира бўлади. Мабодо ўша ширадан тола нафланиб ўсса ҳаққимизни чўзиб қўясизлар. Чунки мана шу ҳақга қишлоқда кўз тикиб турган, юзлаб қоракўзлар бор, — дебди Музаффар ака.

Мен бу баҳс нима билан тугашини каромат қилолмайман. Лекин фидойи пахтакор, ажойиб коммунист, етмиш баҳорни қаршилаётган Музаффар ака Сафаровнинг эл учун, юрт учун пахтачилигимизнинг эртанги куни учун зарур бўлган ана шу қатъиятлилигини, ўктамлигини минглаб одамларда кўришни истайман.

Алиқул ХОНИМҚУЛОВ,
СССР Журналистлар уюшмаси аъзоси.

• Чўпон ташвишлари

СЕРЎТ ЯЙЛОВ— ТЎКИН ДАСТУРХОН

Қўшработда тажрибали, тадбиркор яйлов соҳиблари кўп. Шулардан бири — «Октябрь 50 йиллиги» совхозининг 1-бўлимида чорак асрдан буён сурув кетидан юрган Жаббор Ўрозов. У айни кунларда отарни қишловдан беталофат олиб чиқиш ташвишида. Қўшни отарлар бош чўпонлари Жонибек Тошўлатов, Мусақул Суяровларнинг юмушлари ҳам уникидан кам эмас. Қиш кунлари 400—500 қўйли отарга ем-емиш бериш, вақтида суғориш, ҳаво илиғ пайтда яйловга ҳайдаш, яна қўрага қамаш керак. Кечалари бир неча бор қўйлардан хабар ҳам олинади. Уларнинг оддий кунлари шу тариқа ўтади.

— Чорванинг аҳволи қандай? — сўраймиз Ж. Ўрозовдан.

— Ёмон эмас, — деди у. Қўйларни сунъий қочиришдек усулга чек қўйилганлиги яхши бўлди. Ҳозир аста-секин аввалги ҳолатига қайтяпти. Ўтган йилги қўзилар дуркун, соғлом ўсди. Сўйилганларининг терисини тайёрлов пунктидагилар индамай қабул қилишди. Демак, бу қоракўл тери сифатининг яхшиланаётганлигидан. Бу йил масалан, 500 бош совлиқдан олинган қўзиларнинг 350 тасини ўстиришга қолдириб, давлатга 200 донага яқин тери топширилса кифоя. Қолаверса, ўрта ҳисобда ҳар бош қўйдан биттадан қўзи олиш катта гап. Яйлов масаласи чатоқ бўлиб турибди-да...

— Ўтган йили қишда қор кўп ёққанига суюнгандик, дея гапида давом этди у, — Бироқ кўкламга келиб ёмғир бўлмади, ҳисоб. Натижада далада ўт-ўлан яхши битмади. Бунинг устига яйловларимиз йилдан-йилга қисқариб кетяпти. Текисликда молни ҳайдайдиган жой қолмади: уй-жой қуриляпти, катта майдонга ғалла, қовун-тарвуз, нўхат экилмоқда.

Унинг куюнганича бор. Сўнгги беш-ўн йил ичида яйловлар кескин қисқарди. Оқибатда илгари бир қўй ўтлайдиган жойга энди уч қўй тўғри келмоқда. Ўз-ўзидан ҳашак тўплаш ҳам муаммо бўлиб қолаётир. Мазкур территориядаги ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланишга муҳтож. Қоракўлчилик учун фойдали ҳисобланган шувоқ, изен майдонларини кенгайтириш назардан четда қолмоқда. Бор шувоқларни эса одамлар хашак ҳамда ўтин учун чопиб олишаётир.

Дарҳақиқат, бу муаммо ўткир бўлиб бормоқда. Негаки, ўша жойларда аҳолининг чорваси ҳам боқилади. Текисликдаги яйлов на шахсий хўжалиқнинг, на давлатнинг чорвасига етади. Таъбир жоиз бўлса айтиш керакки, рақобат пайдо бўлмоқда. Қишлоқ жойларида ҳар бир оилада бир-иккита сигир, беш-ўн қўй-қўзи бор. Бусиз уларнинг турмуши не кечади? Бу ерларда молҳолсиз яшаш қийин, албатта. Шундай ҳам гўшт, сут етишмайди. Суғориладиган районлардан емиш олиб келиш сарф-харажатни қопламайди. Шунинг учун ҳам ҳамманинг умиди баҳорги об-ҳаводан. Ёғингарчилик бўлиб, ўт-ўлан кўкариб кетса, бир нав, аксинча бўлса...

Шу ўринда бир мулоҳазани айтиш лозим. Яйлов торлик қилиб қолган экан, икки-уч километр ораликда жойлашган тўрт отарнинг иккитасини тоғнинг орқа томонига кўчириш лозимга ўхшайди. Тўғри, бунга маблағ ҳам керак. Чунки чўпонларнинг муқим яшашлари учун уй-жой қуриш, қўй-қўзиларга қўра-қўтон масалаларини ҳал этиш талаб этилади. Бундан ҳар икки томон фақат фойда кўрган бўлур эди. Тоғда хашак етарли. Қишга ғамланса бас. Шундагина икки тоғ оралиғидаги (албатта бунда совхозга қарашли биринчи бўлим территорияси назарда тутиляпти) яйлов муаммоси юмшагандай бўлар эди.

Жаббор ака яна қуйидаги гапларни жамоатчиликка етказишни илтимос қилди:

— Менга ўхшаган чўпонлар ойига 80—90 сўм ҳақ олади. Ахир, бу билан оилани тебратиб бўладими? Дам олмасак, отпускага чиқмасак, бизнинг бошқалардан қаеримиз кам?

Агар чўпоннинг серзаҳмат меҳнати билан у оладиган ҳақни таққослайдиган бўлсак, катта фарқ кўрамиз. Иш ҳақининг камлигиданми ёки чорвадор меҳнатининг оғирлигиданми, ҳар қалай, ёшлар бу касбга бўйин бермаётган бир пайтда пенсия ёшига етиб қолган қўйчивонларга моддий ва маънавий ёрдам бериш, саломатлигидан, иссиқ-совуғидан хабар олиш — раҳбарларнинг асосий вазифаларидан бирига айланиши зарур. Муҳим палла — қўзилатиш мавсуми яқинлашяпти. Шу сабабли отарларга қўшимча ишчи кучлари ажратиш, ўша жойнинг ўзига бориб, савдо, маиший хизмат кўрсатиш тақозо этилади.

Чорвадорларнинг дарди, ҳақли эътироз ҳамда ташвишлари ўз ечимини топади, деган умиддамиз. Чорвачиликка ихтисослашган Қўшработ райони раҳбарлари бундай долзарб масалалар билан жиддий шуғулланса-лар айни муддао бўларди.

Р. ШОДИЕВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

НАВРЎЗ ЎЙЛАРИ

ЕЗУВЧИ МИНБАРИ

БИР ПАЛЛАДА ЁРУҒ КУНДУЗ...

НАВРЎЗ келди, янги кун, янги йил туғилди Шарқ заминида.

Хўш, Наврўзни ким кашф этган? Юлдуз санар мунажжимми, олов-оташга сиғинган ваҳ ёки коҳинми, ё зоҳидми? Ё бўлмаса мусулмон дунёсининг уламоси, донишмандларими? Қадимги Сўғдиёнада бу кун Зардўшт календарида «Навсарж» деб аталган. Унинг келиб чиқиш тарихи олис асрларга бориб тақалади. Ал-Беруний ўзининг «Осор ул-боқия» асарида Сўғдиёна календарининг биринчи ойини, йил бошини «Навсарж», яъни Наврўз деб кўрсатди. Демак, Наврўз ҳали ўлкамизга мусулмон дини кириб келмасдан илгари ҳам анъанавий байрам сифатида нишонланган.

Наврўзнинг асосида табиатнинг ҳеч ўзгармас қонуниятлари ётади. Она Сайёрамиз Қуёш атрофида парвонадек айланади. Гўзал баҳор, серунум ёз, тўкин-сочин куз ва кумуш қиш ҳам ана шу чархи фалак туфайли биринкетин келаверар ер юзига. Ойлар кетидан ойлар, фасллар кетидан фасллар келар... Қиш фаслида кундуз қисқариб, йилдек узун кечаларга йўл беради. Айни ёз фаслида эса, кеч бўлмайди, тун қисқариб кетади. Бу ҳам тани тозалашгина эмас, балки, кўпроқ маънавий, ахлоқий покланиш кўзда тутилган: сен агар бирон кишининг кўнглига озор берган бўлсанг, Наврўз олдидан бориб узр сўра, адоватга ўрин қолдирма. Қарздор бўлсанг, эски йилга ўтказиб юборма, узиб қўй. Ота-онанг сендан бошқа турса, совға-саломлар олиб йўқлаб бор, кўнглини кўтар. Яқин қариндош-уруғларинг, опа-укаларингнинг ҳолаҳволидан хабар ол. Қадрдон дўстларингни йўқла. Агар ота-онанг ёки бирор яқин жигаринг вафот этган бўлса, қабрини зиёрат қилишни унутма. Имкониятинг бўлса, етим-есирларга, ногиронларга, касалларга меҳр-шафқат ва ёрдамингни аяма, болалар уйлари, шифохоналарга ёрдам бер.

Кўрамизки, Наврўз туфайли жорий этилган мана шундай ёзилмаган, аммо бажарилиши одамларнинг онги, анъанавий ахлоқий қоидалар билан таъмин этилган турмуш тарзи жамиятнинг «қон-қони»га сингиб кетган. Ёшу қари, ҳеч ким уларни мажбур этмаса-да, мазкур ҳаёт қоидаларини сидқидилдан бажарганлар. Бу эса одамлар ўртасида, қўни-қўшнилар орасида, қариндош-уруғлар муносабатида чинакам дўстона, самимий илиқ меҳр-оқибатлиликни вужудга келтирган.

Ўрта Осиёда Наврўз билан боғланиб кетган бошқа баҳор байрамлари ҳам мавжуд эди. Улар «Лола сайли», «Қизил гул сайли», «Бойчечак» ва бошқа анъаналардир. Улар замирида ҳам одамларга меҳр-оқибат, шафқат, олижаноблик ва бошқа инсоний муносабатлар

мужассам. Масалан, баҳор келиб гуллар очилганда вафот этган ота-оналари учун «гул чамбар» қилинарди. Қабрларга гул экилиб, зиёрат қилинар, хонадонларда бўлса вафот этган киши ёдга олиниб, дастурхон ёзиларди.

биат қонуни.

Наврўз киргач, кеча-кундуз тенглашади, табиатда мувозанат, тарозининг бир ёғида сокин кеча, яна бир палласида ёруғ кундуз. Мана, сизга табиатнинг иноятн, мўъжизаси. Бу мўъжиза, мувозанат бир неча дақиқагина сақланади, кейин аста-секин кундуз узая боради. Ота-боболаримизнинг айтишича, Наврўз кирадиган куни яхши ният қилсанг, чин юракдан нимани орзу этсанг, албатта мурод-мақсадингга етасан.

Бир ҳикоят эшитганман болалигимда, зерикарли узоқ қиш кечаси онам сўзлаб берганлар.

Нима бўлибдию, уч ака-ука саёҳатга чиқадиган бўлиб қолишибди. Ўшанда энди баҳор бошланиб, новдалар ниш ураётган дамлар экан. Йўл юришибди, йўл юрсалар ҳам мўл юришибди. Хуштабиат бир манзилга етиб келишибди. Қарашса—ҳаммаёқ майсазор, дарахтзор. Бу ер уларга жуда ёқиб, тунаб қолишга қарор қилишибди. Кеч бўлгач, ухлашдан олдин маслаҳатлашиб, навбатма-навбат қоровуллик қилишга келишишибди. Биринчи бўлиб энг катта ака навбатчилик қилибди.

У гулхан атрофида ўтириб, жуда зерикибди, кеча узоқ, тонг отишига анча бор. Асли ҳунари дурадгорлик экан. Атрофдаги дарахтларнинг чиройли ва текис шохларини кесиб келибдида, йўниб, тарошлаб қўғирчоқ ясабди. Уни гулхан ёнига ўтқазиб, укасини уйғотибди, ўзи эса уйқуга кетибди. Ўртанчасининг ҳунари тикувчилик экан, акасининг маҳоратини кўриб, таҳсинлар ўқибди-да, ўз ҳунарини ишга солибди. Қўғирчоққа чиройли кийлак, нимча ва бошқа зарур нарсалар тикиб ясантирибди. Шундан сўнг кенжатойни уйғотибди. Кенжатой акаларининг санъатига қойил қолиб, ўйланиб ўтирганида хаёлига бир фикр келибди. «Ахир, бугун фарвардин ойининг бошланиши, яъни Наврўз кирадиган кун-ку! Муродбахш дақиқалар, эзгу ниятлар рўёбга чиқадиган кун эмасми? Шу қизга жон ато қил», деб табиатга илтижо қилибди. Ширин хаёллар билан тонгга яқин кўзи илиниб ухлаб қолибди.

— Турингглар, тонг отди. Наврўзи олам кирди, — деган кўнгироқдек овоздан ака-укалар уйғониб кетишибди. Қарашса, тепаларида хушсуврат бир қиз кулиб турган эмиш...

Давоми бор бўлган, уни ҳамма биладиган бу эртакдан одамларнинг юрак-юрагига сингиб кетган Наврўзнинг мўъжизаси, инсоний-ахлоқий қоидалари аллақачон халқ ижодида ўз ифодасини топганлиги аён бўлади.

Наврўзнинг ўзига хос, ҳеч қаерда ёзилмаган қоида ва ахлоқий турмуш тарзлари борки, улар авлоддан-авлодга ўтиб, халқимизнинг туриш-турмушига сингиб, миллий анъанага айланиб кетган.

Биз илгари Тошкентга яқин қишлоқда истиқомат қилардик. Ҳеч ёдимдан чиқмайди, баҳор келиши билан онам буғдой олиб келиб ундириб қўярдилар. Кейин Наврўз арафасида ҳамма қўни-қўшнилар йиғилишиб, ҳовлимизда катта қозон қуриб сумалак пиширишарди. Сумалак қилинаётганда атрофдаги қўни-қўшнилар йиғилишиб, тонг отгунча ўйин-кулгу қилишар, қўшиқлар айтишар, ёшларга ахлоқодоб маъвзусида ҳикоятлар, ривоятлар сўзлаб беришарди.

Наврўз арафасида қилинадиган ишларнинг ҳам жуда катта умуминсоний, одамийлик жиҳатлари бор. Ҳаммаёқ саранжом-саришта қилинади, кўчалар, ҳовлилар, уйлар тозаланади. Кийим-кечаклар ювилиб, болалар чўмилтирилиб, ювиб-таралади. Эски-туски нарсалар, уёқ-буёғи учган, дарз кетган чинни асбоб, идиш-товоқлар ташлаб юборилади.

Кексаларга ҳурмат, аёллар ва болаларга меҳр-шафқат, иззат-икром, ночор оилаларга ёрдам, уй-жой қураётганларга ҳашар йўли билан ёрдамлашиш, касал ва ночор одамларнинг ҳол-аҳволидан хабар олиб, ҳожатини чиқариш ва бошқа туриш-турмушимизга сингиб кетган яшаш қоидаларига қатъиян амал қилинади. Яна бир муҳим томони шундаки, Наврўз кирадиган кунда киши ҳар томонлама покланиб олиши керак, бу ота-боболар удуми, халқимизга хос бўлган анъанадир. Покланиш деганда фақат ювиниш-тараниш ёки уй-жойларни ҳам, ёмонлик ва ҳомлаги ҳам ўзгаришлар қилади. Янгиланаётган, қайта қурилаётган жамиятимизни порлоқ ва нурли йўлга олиб чиқади. Бу бизнинг Наврўз арафасидаги ўйларимиз, қалб орзуларимиздир.

Мақсуд ҚОРИЕВ.

ҚАЙТИНГ, ҚУШЛАР, ЎЛКАМИЗГА

ЮНУСОБОД қишлоғида боғимиз бўларди, баҳор чиқиши билан кўч-кўронларимизни аравага ортиб, боққа кўчиб кетардик. Бу кўпинча Наврўз киришига тўғри келарди. Майсалар униб, ҳаммаёқ кўм-кўк бўлиб, баҳорнинг даракчиси — осмон ранг бинафшалар ариқ бўйларида қийғос очилиб ётарди. Томларда лолақизғалдоқлар. Иссиқ мамлакатлардан бирин-кетин учиб келган қушлар боғ-роғларимизга яна ҳам гўзаллик бахш этарди. Кейин булбуллар галаси, заргалдоқ, қарқуноқ, заҳизғон, сўфитўрғай, жиблажибон, қизилиштон ва бошқа хилма-хил қушлар пайдо бўлиб боғ, хиёбонларга файз киритиб, болаларни қувонтирарди. Қалдирғочлар айвонимиз пештоқига уя қуриб, бола очар, мусичалар уй паррандасидек одамларга ўрганиб қолганди. Қушлар билан одамлар ўртасида ана шундай яқинлик бордек туюларди. Ҳар бир хонадонда сигир, қўй, уй паррандалари бўлар, бу эса уйимизда барака, бозорларда арзончилик боиси эди.

Қушлар ҳақида гап юритадиган бўлсак, юқорида номма-ном айтилган қушларнинг кўплари йўқолиб, ўлкамизга келмайдиган бўлиб қолди, айниқса булбуллар бутунлай йўқолиб кетмоқда. Ҳозир пойтахтимизнинг бирор боғи-хиёбонида булбул сайраётганини эшитмаймиз. Ҳатто Тошкент вилоятининг бирон ноҳиясида, қишлоғида булбул қолмади, десак муболаға бўлмас. Фақат жумҳуриятимизнинг узоқ вилоятлари, масалан, Хоразмда учратиш мумкин.

Аксинча, Ўзбекистонда кейинги йилларда негадир ҳинд майналари жуда кўпайиб кетди. Эшитишимизча, бу ана шу юмушга мутасадди ташкилотнинг иши эмиш. Бу қуш мева-чеваларни қуритгани етмагандек, бошқа қушларнинг тухуми, ҳатто жиш болаларигача еб кўймоқда. Агар табиатдаги мувозонатга эътибор бермай, лоқайдлик қилаверсак, ўлкамиздаги кўп қушлар яна йўқ бўлиб, кейин уларни «Қизил китоб»га ёзиб, кўпайтириш керак, деб юрамиз.

«ҚИЗИЛ КИТОБ» ТЎЛМАСИН

УМУМАН, «Қизил китоб»га ёзадиган нарсалар тобора кўпайиб бормоқда. Яна ўша Юнусобод қишлоғи ҳақида. Зеро, Юнусобод пойтахтимизга энг яқин қишлоқ ҳисобланар, шаҳар бозорларини мева-чева, сабзавот билан таъминлашда хазина вазифасини бажарарди. Юнусобод узумидек ширин, харидорбоп узум камдан кам учрайди. Ўн сотихга яқин боғимизда узумларнинг ҳусайни, ҳасайни, чарос, соҳиби, буваки, каттақўрғони, оқ, қора кишмиш, оқ қора чиллаки, дарои, шивирғони, қирмизка, тойипи ва бошқа хиллари бор эди. Бу узумлар кетма-кет пишарди, шу боисдан ёз бўйи боғимиздан узум аримасди. Чиллаки эрта пишарди, қирмиска бўлса кеч кузда.

Қишлоғимизда Малик ака деган одам бўларди. Қовун етиштиришда унга етадигани йўқ эди. Қовун нозик экин ҳисобланади, дерди Малик ака. Аввалига ер яхшилаб тайёрланарди. Пуштаси кенг олиниб, ариқ тортиларди. Кейин қовун уруғи ташланадиган жойга чуқур қовланиб, эскитиб қўйилган гўнг солинар, кейин уруғ қадаларди. Кимёвий ўғитлар қовуннинг яқинига ҳам келтирилмасди. Айниқса, сув жуда маромида бериларди. Бундай қовунларга касал ҳам яқинлашмас, яхши сақланар, есангиз тилингизни ёрарди. Уста миришкор бўлганлиги учун ҳамма уни Малик қовунчи деб атарди.

Отам билан унинг полизига тез-тез бориб турардик. Агар сиз қовундан гап очсангиз, Малик қовунчининг қулфи-дили очилиб кетарди. «Қовун ғарқ пишганда бир тўйиб есанг, бутун қиш бўйи касалга чалинмайсан», дерди у. (Бу ерда гап ўша вақтдаги ширин-шакар қовунлар ҳақида кетмоқда). Кейин полизга кириб турли хил қовунларни узиб чиқиб, ҳар бир қовун хилининг хусусиятлари ҳақида мароқ билан сўзлаб кетарди. Ёдимдан чиқмайди, босволдини сўйиб коса қилди-да, отамнинг ёнига суриб қўйди. Қовун жуда ширин ва хушбўй эди. Икковлон бир пасда еб қўйдик. Кейин Малик қовунчи биз еган косани олди-да, қиргич билан эринмай қириб, шарбатини ичди. Бу билан иш тугамади, коса қилинган қовун пўчоғининг тагини ўткир пичоқ билан тилиб, босволдининг уруғини ўшанга солиб, чайла тепасига қуритиш учун илиб қўйди.

—Қовуннинг уруғини эҳтиёт қилиш керак, йўқолиб кетмасин, — деди Малик қовунчи.

Мана, энди ўша ғамхўрона, жонкуярлик билан айтилган гапларни эсласам, Малик ака нақадар ҳақ эканлигига қойил қоламан. Ҳақиқий деҳқон, жонкуяр, эл-юрт, авлодлар келажаги учун куядиган Малик акага ўхшаган одамлар камайиб кетаётир. Ўша деҳқон етиштирган қовунларни жумҳуриятимиз полизларида учратиш анча қийин. Баъзан Тошкент вилоятининг четроқ қишлоқларида, Фарғона водийсида, вилоятларимизнинг узоқ жойларида қовунчи бобо полизида етишган ҳамда жумҳуриятимизда ўша йиллар жуда кўп экилган босволди, оқ, қизил уруғ, шакарпалак, чўғир, кўкча, бўрикалла ва бошқа ширин-шакар қовун хилларини учратиб- қоласиз. Деҳқонларимиз ҳозирги кунда тарози босадиган, кимёвий моддаларга тўйдирилган қовунларни экадиган бўлиб кетишди. Айниқса, Сирдарё, Жиззах вилоятларида ана шунақа қовунлар кўп. Юқорида зикр этилган қовун уруғлари бўлса йўқолиб бормоқда. Ҳа, агар эътиборсизлик қилсак, мазкур қовунлар ҳам «Қизил китоб»га кирадиган ҳолатга келиб қолади.

Тарвузларчи? Ўйлаб қарасак, тарвуз энг шифобахш полиз меваси. Қани энди, қишли-қировли кечаларда иссиқ хонада ўтириб серсув қип-қизил тарвузни мазза қилиб охиригача қириб есанг... Бутун ғуборинг чиқиб кетади. Ота-боболаримиз болалари буйрак, жигар касали билан оғриганда, шамоллаганда тарвуз сувини ичиришарди. Табиблар ҳам кўп касалликларга, айниқса, сариқ касалга тарвуз сувн ичиришни буюрарди. Надоматлар бўлсинки, ҳозирги тарвузларнинг шифобахшлиги қолмади, сўйсангиз қировга ўхшаган оппоқ нарса кўриниб туради, бундай тарвузлар ҳатто соғ одамни ҳам касал қилади.

Қисқаси, юқорида айтиб ўтилган мевалар, узум, қовун, сабзавот ва бошқа экинларимизнинг баъзилари ўзимиз сезмаган ҳолда, лоқайдлигимиз оқибатида йўқолиб, сифати бузилиб бормоқдаки, буни асло кечириб бўлмайди.

«Қизил китоб»га яна нималарни ёзайлик?» «Азон йиртиғи»дан ўтиб, ердаги жонли мавжудотни қақшатаётган ўта кучли бинафша нурларинимми, кимёвий заводлардан чиқиб, ана шу ажал йиртиғини ҳосил этган «феонлар», «метилхлороформ»ларними? Бўлмаса, осмони азалдан аллақандай дард уруғларини юбораётган «магнит бўронлари» ҳақида битайликми? Заҳарли кимёвий моддалар одамларни ҳам, табиатни ҳам, ҳосилдор ерларимизни ҳам ишдан чиқармоқда. Айниқса, бизнинг пахтакор жумҳуриятимизда бу кўнгилсиз оқибатларга олиб келмоқда. Ерларнинг ҳолати ўзгариб, худди нашаванд одамларга ўхшаб қолган. Олинаётган пахта толасининг сифати бузилиб бормоқда, мевалар, полиз экинлари, сабзавотлар ҳам касалга чалиниб, дори-дармон сепганда таъсир этмайдиган ҳолга келиб қолмоқда.

Биз ажойиб байрам — инсонийликка, эзгуликка йўлловчи Наврўз арафасидамиз. Юқорида айтганимиздек, Наврўзда яхши ният, чин дилдан орзу умид қилсанг, мурадингга, мақсадингга эришасан. Жамиятимиз қайта қуриш, покланиш йўлида. Бу инқилобий янгиланиш жараёни кескин курашлар, тўқнашувлар, ҳатто қурбонлар билан бормоқда. Қайта қуриш — инқилобий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий курашдан иборат. Мана, яқинда матбуотда КПСС Марказий Комитетининг 1990 йил февраль Пленуми маъқуллаган партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури эълон қилинди. Ўйлаймизки, бу тарихий ҳужжат партия ҳаётида туб ўзгаришлар қилади. Янгиланаётган, қайта қурилаётган жамиятимизни порлоқ ва нурли йўлга олиб чиқади. Бу бизнинг Наврўз арафасидаги ўйларимиз, қалб орзуларимиздир.

Мақсуд ҚОРИЕВ.

• *Спорт*

Беллашув арафасида

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» марафонча югуриш ва юриш ТЕРМИЗ-90

МАҲОРАТ МАКТАБИ

Газета соврини учун мусобақа ўтказиладиган кунлар яқинлашмоқда. Жумҳуриятимиз вилоятларида анъанавий мусобақага қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Бухоролик марафончилар ҳам совриндорлик баҳсида мукофотли ўринларга даъвогарлик қилишни кўзлашмоқда. Бухоро вилояти спорт комитети раиси Р. Х. ҲАЙДАРЗОДА область мухбиримиз билан суҳбатда шулар ҳақида фикр юритди.

— Раҳим Хусейнович, вилоят спортчилари қарийб ўн йилдан бери анъанавий мусобақада мунтазам қатнашиб келмоқдалар. Соврин учун кураш вилоят енгил атлетикачилари маҳоратини ошириш, спортнинг мазкур турини оммавийлаштиришда қандай самара берди!

— «Совет Ўзбекистони» газетаси соврини учун ўтказиб келинаётган мусобақалар вилоятимизда енгил атлетика, хусусан, марафонча югуриш ва спортча юришни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Боиси, соврин учун кураш ўтказилган дастлабки йилларда кўпгина вилоятларда бўлгани каби бизда ҳам олис масофага югурувчилар камчиликни ташкил этарди. Сирасини айтганда, 50-йилларда марафонча югуриш бирмунча оммавийлашган спорт турларидан ҳисобланарди. Ўша даврларда республика чемпиони номига сазовор бўлган А. Черхонини билан В. Бердюгин номини мухлислар яхши эслашади.

Шундан кейинги даврда енгил атлетиканинг кўпгина қизиқарли турлари қатори марафонча югуриш ҳам кам ривожланди. Маълумки, бу йил газета соврини учун ўтказиладиган мусобақа байроғи ўн иккинчи марта кўтарилади. Чирчиқ шаҳрида бошланган дастлабки баҳсларда бухоролик югурувчилар фаол қатнашиб, эътибор қозонишганини мутахассислар яхши билишади. Чунончи, Н. Башкирцев, Р. Насибулин, Р. Ҳаитов, Р. Шарофиддинов ва кейинчалик У. Маъмуров каби умидли марафончилар вилоятимиз шарафини муносиб ҳимоя қилдилар. Бугунги кунда эса ана шу тажрибали спортчилар вилоятимиз турли шаҳарларида мураббийлик ҳаракатига бошчилик қилишмоқда. Жумладан, Р. Ҳаитов Навоийлик ёшларга устозлик қилаётган бўлса, У. Маъмуров вилоят марказидаги енгил атлетикачиларга тренер бўлиб турибди. Айни пайтда У. Маъмуров вилоят терма командасига ҳам бошчилик қилмоқда.

— Термиз шаҳрида ўтказиладиган навбатдаги мусобақада бухоролик спортчилардан кимлар қатнашади?

— Белгиланган қоидага кўра Бухоро вилояти терма командаси составида 10 нафар марафончининг қатнашиши кўзда тутилган. Биз эса 16 кишини тавсия қилмоқдамиз. Мақсад 6 нафар ёш спортчида маҳорат ва тажриба орттириш, олисга югуриш бўйича қўникма ҳосил қилишдир. Термиздаги мусобақаларда Бухоро, Навоий, Зарафшон, Ғиждувон шаҳарларидан келган марафончилардан иборат команда қатнашади. Навоийлик В. Макашов, В. Андрей, М. Галишев, ғиждувонлик И. Бобомуродов, И. Усмоновларга катта умид боғлаб турибмиз.

Бир қарашда вилоятимизда марафончилар тарбиялаш, улар маҳоратини оширишда бирмунча ютуқлар бордек кўринади. Зотан, шу кун талабларидан орқада эканимиз Иттифоқ миқёсидаги баҳсларда кўзга ташланиб қолмоқда.

— Бунга сабаб нимада деб ўйлайсиз?

— Аввало, вилоятимиздаги мавжуд моддий-техника базасининг мустаҳкам эмаслигида. Қишлоқлар у ёқда турсин, шаҳарларда ҳам яхши жиҳозланган спорт иншоотларига эга эмасмиз. Фақат, Навоий шаҳридаги «Сўғдиёна», Бухородаги «Спартак» стадионлари кунимизга яраб турибди. Яқин келажакда спорт комитети ҳузуридаги олимпиада ўринбосарлари мактабининг енгил атлетика марказини яратиш ниятидамиз. Ҳозирча смета қиймати 400 минг сўм экани маълум. Лойиҳаси тайёр. Афсуски, бундай марказларни вилоятимизнинг турли шаҳарларида барпо этиш учун ҳозирча имконият йўқ. Қасаба союзлари болалар ва ўсмирлар ўртасида жисмоний тарбияни ривожлантиришга ажратаётган маблағлар етарли бўлмай қолди. Бу борада ишлаб чиқариш корхоналарининг спонсорлик-ҳомийлик кўмагига муҳтожлик сезилмоқда.

Лекин биз вилоятимизда марафончилар сафи кенгайиб бораётганидан мамнунмиз. Область, район газеталари учун оммавий мусобақалар ҳам ўтказилмоқда. Жасур комсомол Майна Ҳасанова хотирасига бағишланган анъанавий кросс ҳам газета соврини учун курашга тайёргарлик босқичларидан бирига айланмоқда. «Кентавр» клуби аъзоларининг вилоятимиз ҳудуди бўйлаб каттакичик масофаларга югуришлари ҳам ёшлар ўртасида спортнинг мазкур турига қизиқиш ортмоқда.

Муҳими, «Совет Ўзбекистони» газетаси соврини учун ўтказилаётган мусобақалар йилдан-йилга оммавийлик касб этмоқда. Унда қатнашаётганлар сафи кенгайиб бормоқда. Соврин учун курашни жумҳориятимиз кўпгина шаҳарларида ўтказилиб келинаётгани ҳам диққатга сазовор. Бу билан жойларда жисмоний тарбия ва спортни янада жонлантиришга, югурувчилар сафини кўпайтиришга йўл очилмоқда. Уч йил аввал Бухорода газета соврини учун мусобақа ўтказилган эди. Ўзига хос ана шу спорт байрамини мухлислар мамнуният билан ёдга оладилар. Бундай мусобақа яна Бухорода ўтказилса, баконидил мезбонлик қилар эдик.

Самарқандда байналмилалчи жангчилар кенгаши қошида «Ватан қалқони» деб номланган бирлашма тузилди. Мазкур ҳарбий ватанпарварлик бирлашмаси ҳозирги кунда ўз сафига икки юздан ортиқ кишини жалб қилди.

Янги тузилган ташкилотнинг мақсади собиқ байналмилалчи жангчиларнинг ижтимоий-маиший ҳаётига оид масалаларни ҳал этиш, ёшларни тарбиялаш, йигитларни Совет Армияси хизматига тайёрлаш каби юмушлардан иборат.

Бирлашмада ҳозирги кунда шу мақсадга қаратилган турли тўгараклар ишлаб турибди. Чунончи, ҳарбий хизматга чақирилувчилар клуби, сураткашлик, «моҳир қўллар», «ёш табиатшунослар» тўгаракларининг машғулотлари мунтазам ва қизиқарли ўтказилмоқда.

Афғонистон Республикасида ҳалок бўлган марҳумларнинг оилаларидан хабардор бўлиб туриш ва улар тўғрисида ғамхўрлик қилиш бирлашма аъзоларининг муқаддас ишларидан бири бўлади.

Суратда: байналмилалчи жангчилар — кенгаш раиси Талъат Пардаевич Муродов ва «Қизил Юлдуз» ордени нишондори, Самарқанд давлат университетининг студенти Юрий Шрамко.

Р. ҒОФУРОВ суратн (ЎзТАГ).

ФИТРАТ АСАРИ САҲНАДА

Қатағон қилинган ўзбек адиби Абдурауф Фитратнинг номи неча йиллардан бери тилга олинмай келинарди. Эндиликда оқланган ёзувчининг асарлари ўз мухлислари қалбига йўл топмоқда, янги-янги ўқувчиларга эга бўлмоқда.

М. Тошмуҳамедов номли Қашқадарё область музикали драма театрининг томошабинлари эса Фитратнинг илк бор саҳналаштирилган «Абулфайзхон» драмаси билан таништилар. Асарни театр бош режиссёри Б. Назаров саҳналаштирди. Драмадаги воқеалар гарчи XVIII асрда Бухорода рўй берганлигига қарамай, унда бугунги кунимиз ўша тарихий воқеаларга аниқ боғланиб кетиши кўзга ташланади. Ўтмиш орқали ҳозирги даврнинг муаммолари, халоллик ва маънавий поклик муаммоларини кузатамиз. Бош роль — Бухоро амири Абулфайзхон образини артист Б. Раҳмонов яратган. Саҳна безакларини рассом С. Салимов тайёрлаган.

(ЎзТАГ).

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлигининг Т. Н. ҚОРИ НИЕЗИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ сектор мудири бўйича

ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Мактабгача тарбия ва бошланғич таълим: меҳнат таълими ва касбга йўллаш; математика ва компьютерлаш асослари; физика, астрономия ва экология; химия ва биология; жисмоний тарбия; балоғатга етмаганларнинг қонунга риоя қилмасликларининг олдини олиш, ҳунар-техника таълими, умумий педагогиканинг тарбия муаммолари; педагогик психология; ижтимоий-сиёсий фанлар; география; физиология, мактаб гигиенаси ва дефектология; рус тили ва адабиёти ўзбек тили ва адабиёти; ўқишлар рус тилида олиб бориладиган мактабларда ўзбек тил; чет тиллар; координация ва илмий-педагогик ахборот; халқ педагогикаси, умумий педагогика.

Конкурсда фан доктори ва номзоди илмий даражасига эга бўлган мутахассислар қатнаша оладилар.

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Ҳужжатларни низомга мувофиқ қуйидаги адресга юборинг: 700003, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 174-уй. Телефон 45-66-45.

●

САБЗАВОТ ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ ВА КАРТОШКАЧИЛИК ИНСТИТУТИНИНГ ТАЖРИБА ХЎЖАЛИГИ

колхоз, совхоз, ёрдамчи хўжаликлар, кооперативлар ва АҲОЛИГА чекланмаган миқдорда, юқори сифатли, серҳосил ва касалликка чидамли «КАБА»—НАВЛИ, I РЕПРОДУКЦИЯ ПИЕЗ УРУҒИНИ СОТАДИ

Уруғни тоза навлиги ва униб чиқиш қобилиятига кафиллик берилади.

Мурожаат учун маконимиз: 702003, Тошкент вилояти, Тошкент ноҳияси Кўксарой почта бўлими. Сабзавотчилик институти тажриба базасига.

●

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги М. Қорнёқубов номли Ўзбек давлат филармонияси

«БАҲОР» КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

13 март соат 17.00 да

«ХОРАЗМ КУЙЛАГАЙ»

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист

ОЛМАХОН ҲАЙИТОВАНИНГ

ЮБИЛЕЙ КЕЧАСИ

Таклиф билетлари билан киритилади.

●

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 13/III да **Масхарабозлар**, 14/III да **Севги ҳақида афсона**, 15/III да **Зебунисо**.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 13/III да **Уғрини қароқчи урди**, 14/III да **Нажот истаб**, 15/III да **Пуч**.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 14/III да **Нурхон**, 15/III да **Кампир нетармиш**.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги ва Ўзбекистон ССР Театр арбоблари союзи правлениеси И. Охунбобоев номли Ёш томошабинлар театрининг артисти

Шуҳрат ЗИЕМУҲАМЕДОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Қурилиш нозирлигига қарашли «Узтрансспецстрой» ишлаб чиқариш бирлашмасининг жамоаси бош инженер С. Расуловга онаси

Қамбар ИНОҒОМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 04134. № 60. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12